O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2009 йил, 22 май, жума № 21 (2304). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, 22 мая, 2009 год, № 21 (2304). | Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу - цена договорная

ЯҚИН ЙИЛЛАР ИЧИДА ЎНЛАБ ЗАМОНАВИЙ ҲАРБИЙ ШАҲАРЧАЛАРНИ БАРПО ЭТИШ ВА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ, БУ ОБЪЕКТЛАРДА ЭНГ ЮКСАК ТАЛАБЛАРГА ҲАМДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА УЛАРНИ ОИЛАЛАРИНИНГ ЭҲТИЁЖЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИГАН ҚУЛАЙ ИЖТИМОИЙ-МАИШИЙ ШАРОИТ ВА ИНФРАТУЗИЛМАЛАРНИ ЯРАТИБ БЕРИШИМИЗ КЕРАК.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ҚАРОРИ

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янада ривожланишини рағбатлантиришни кучайтириш, мамлакат иқтисодиётининг барқарор фаолият юритишида унинг ролини ошириш, янги иш жойларини шакллантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, шунингдек, хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда юритиш учун қўшимча равишда қулай шарт-шароитлар яратиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2009 йил 1 июндан бошлаб 1-иловага мувофиқ кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича хизмат кўрсатиш тарифларини пасайтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда, бир ой муддатда, бино майдони ўлчамига, унинг неча қаватлилиги, ер участкаси майдони ва унда объектлар мавжудлигига қараб ишларнинг ҳар бир тури бўйича кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш хизматларига белгиланган тартибда қайд этилган тарифларни тасдиқласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2009 йил 1 июндан бошлаб:

тадбиркорлик объектларининг архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш қийматини 2-иловага мувофиқ;

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун бож ҳақини – энг кам иш ҳақи миқдорининг 5 баробаридан 2 баробари миқдоригача;

тадбиркорлик субъектлари томонидан банкларда ҳисобрақамларини очиш учун тўловларни – энг кам иш ҳақи миқдорининг 1 баробаридан 0,5 баробари миқдоригача, қишлоқ жойларда эса – энг кам иш ҳақининг 0,1 баробари миқдоригача пасайтириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Белгилансинки, кичик корхона ўз уйларида ишлаётган (касаначилик билан шуғулланаётган) фуқаролар билан, қонун ҳужжатларида белгиланган ходимлар сонининг чекланган нормативидан кўпи билан 30 фоиз ошган миқдорда меҳнат шартномалари тузганда, кичик корхоналар учун назарда тутилган кафолатлар, имтиёзлар ва преференциялар мазкур корхона учун сақланиб қолади.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси мунтазам равишда:

жойларда давлат бошқаруви ҳамда давлат ҳокимияти органлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларига риоя этилиши мониторингини олиб борилишини таъминласин. Мониторинг натижалари тўғрисидаги маълумотлари, аниқ таклифлар билан биргаликда Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштириш кенгашига ҳар чоракда киритиб борсин;

жойлардаги давлат бошқаруви ҳамда давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлар ҳуқуқларини поймол этаётган қарорларини тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас (ноқонуний) деб эътироф этиш тўғрисида, шунингдек, жойлардаги давлат бошқаруви ҳамда давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлар ҳуқуқларини чекловчи қарорлар қабул қилган мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиш тўғрисида судларга даъво аризалари киритилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритсин.

Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 15 май.

Юрт ҳимоячилари — давлатимизнинг, халқимизнинг доимий эътиборида

Бахром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

Шодликка тўлди, янги уй, янги хонадон

ШУ СОНДА

- Ҳарбийларга — кўп хонадонли тураржой биноси 6
- МПР: учитель физкультуры проходит сборы 7
- «Намунали ҳарбий оила» 8-9
- Кумуш баркашдаги сирли ёзувлар 10
- Асалари вертолётни қулатди 11
- TV дастур 12-13
- Концерт длился 27 часов 15
- Фикрни узатиш мумкинми? 16
- Ризқи улуғ отахон 21
- МҲСК — чемпион! 22

4 «ЭНГ ИЛҒОР ГУРУҲ КОМАНДИРИ» ЭЗГУ ИШЛАР НАТИЖАСИ

5 СЕРЖАНТЛАР ТАЙЁРЛАШ МАКТАБЛАРИДА СИНАЛАР МАҲОРАТ, БИЛИМ

9 ТАНЛОВ ОИЛАМ — ИФТИХОРИМ, ВАТАН — КЎЗ НУРИМ

24 МАДАНИЯТ «МУЗЕЙЛАР — ХАЛҚ ТАРИХИ КЎЗГУСИ»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2009 ЙИЛ 15 МАЙДАГИ «ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ПҚ-1112-СОНЛИ ҚАРОРИГА

Ш А Р Ҳ

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда иқтисодиётнинг ғоят муҳим соҳаси бўлмиш кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга, хусусий тадбиркорлик ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоясининг кучли тизимини яратишга жуда катта эътибор бериб келинмоқда.

Бунинг боиси шуки, ижтимоий йўналтирилган замонавий бозор иқтисодиётида кичик бизнес ниҳоятда муҳим ўрин эгаллайди. Энг аввало, кичик бизнес бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослаша олишга, истеъмолчиларнинг талаб-эҳтиёжлари қандай ўзгаришига қараб иш тута билишга қодирдир. Кичик бизнес рақобатчилик муҳитини шакллантирадики, бусиз бозор иқтисодиётини тасаввур қилиб бўлмайди. Иккинчидан, кичик бизнес янги иш ўринлари жадаллик билан барпо этилишини, аҳолининг бандлиги ўсишини ва унинг даромадлари ошиб боришини таъминлайди. Учинчидан, кичик бизнес ички бозорни товарлар ва хизматлар билан бойитишнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

Республикамизда кичик бизнеснинг роли ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, уни қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича аниқ-равшан чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб борилмоқда. Кейинги йилларда тадбиркорлик субъектларини "бир дарча" орқали тезлик билан давлат рўйхатидан ўтказиш тизими ҳамда бир неча турдаги солиқларни тўлаш ўрнига кичик бизнесни ягона солиқ тўлови шаклидаги соддалаштирилган солиққа тортиш тизими жорий этилди. Бунда микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари 2008 йилда 10 фоиздан 8 фоизгача, 2009 йилдан бошлаб эса 7 фоизгача пасайтирилди. Янгидан ташкил этилаётган кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредитлаш тизими яратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш бўйича ихтисослаштирилган банк – "Микрокредитбанк" ташкил этилди. Кичик бизнес субъектларининг айланма маблағларини тўлдиришга кредит беришнинг максимал муддати 12 ойдан 18 ойгача оширилди. Тадбиркорлар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш борасидаги ҳуқуқий нормалар мустаҳкамланди, тадбиркорлик субъектларининг хўжалик фаолиятига назорат қилувчи идораларнинг аралашувини кескин қисқартириш чоралари кўрилди.

Қабул қилинган кафолатлар, имтиёз ва преференциялар кичик бизнеснинг жадал ривожланишига имконият яратди, бунинг натижасида унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 33,8 фоиздан ҳозирги вақтдаги 48,2 фозигача кўпайди. Бугунги кунда жами банд аҳолининг 76 фоиздан кўпроғи мазкур соҳада меҳнат қилмоқда. Ўтган йилнинг ўзидагина кичик бизнес соҳасида 374 мингдан кўпроқ янги иш жойлари яратилди.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат беради, айни кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этишда энг самарали восита, аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг даромадлари ошиб боришининг ғоят муҳим омили ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янада ривожланишини таъминлаш, мамлакат иқтисодиётининг барқарор фаолият юритишида унинг ролини ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майдаги "Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1112-сонли қарори қабул қилинди. Қарорда тадбиркорлик субъектлари учун бир қатор муҳим қўшимча имтиёз ва преференциялар жорий этилиши назарда тутилади.

Бу аввалambор, 2009 йил 1 июндан бошлаб уй-жой бинолари ва иншоотларнинг ўлчов ишларини ўтказиш, техник инвентарлаштириш, паспортлаштириш ҳамда баҳолаш бўйича кадастр ҳужжатларини ишлаб чиқиш, яшашга мўлжалланмаган бинолар ва иншоотлар кадастри учун бино (иншоот)ни ўрганиб чиқиш, баҳолаш ҳамда паспортини тузиш ишларининг тарифлари икки баробар пасайтирилишидир. Бундан ташқари, топография-геодезия ишлари комплексини амалга ошириш ва кадастр хизматлари томонидан кўрсатиладиган бошқа турдаги хизматлар учун тарифлар 40 фоизга пасайтирилди.

Объект қурилиши лойиҳасини ишлаб чиқишда архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш қиймати тадбиркорлик субъектлари учун икки баробар, яъни энг кам иш ҳақининг 20 баробаридан 10 баробари миқдоригача пасайтирилди, муҳандислик коммуникацияларига уланиш лойиҳасини ишлаб чиқиш учун архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш тўловлари бутунлай бекор қилинди. Натижада, аввал тадбиркор архитектура-режалаштириш топшириқларини тайёрлашга жами энг кам иш ҳақининг 40 баробари миқдорида ёки 1,1 млн.сўмдан кўпроқ тўлаши лозим бўлса, эндиликда, қабул қилинган мазкур қарорга мувофиқ, ушбу сумма 280400 сўмгача, қишлоқ жойларда эса 140200 сўмгача пасаяди.

Қабул қилинган қарорга мувофиқ лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизасини ўтказиш қиймати энг кам иш ҳақининг 10 баробаридан 3 баробаригача ёки 3,3 баробарга пасайтирилди. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланадиган бож миқдори пасайтирилди. Банкларда ҳисобрақамларини очиш тўловлари камайтирилиб, 28040 сўмдан 14020 сўмга, қишлоқ жойларда эса 2804 сўмга туширилди. Экологик экспертизани ўтказиш учун тўлов ҳақи анча сезиларли қисқартирилди, у атроф-муҳитга зарар келтириш хавф-хатари даражасига қараб табақалаштирилган тартибда белгиланади.

Касаначиликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади. Мазкур муҳим масалани ҳал этишда кичик бизнес иштирокини кенгайтириш мақсадида, қабул қилинган қарорда кичик корхоналарга ўз уйларида ишлаётган касаначилар билан, қонун ҳужжатларида белгиланган ходимлар сонининг чекланган нормативидан кўпи билан 30 фоиз ошган миқдорда меҳнат шартномалари тузиш ҳуқуқи берилмоқда. Айни вақтда кичик корхоналар учун назарда тутилган кафолатлар, имтиёзлар ва преференциялар сақланиб қолмоқда.

Қарорда республика Бош прокуратураси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига жойлардаги давлат бошқаруви органлари, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик, айниқса кичик бизнес субъектларининг қонуний ҳуқуқларига риоя этилиши, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда юритиш билан боғлиқ рухсатномаларни олишда, ушбу масалаларни ҳал қилишда бюрократик тўсиқларни вужудга келтирмаслик ва сансалорликларга йўл қўймаслик устидан қаттиқ назоратни таъминлаш топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилинган қарорида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш, шубҳасиз, кичик бизнесни жадал ривожлантириш, хусусий тадбиркорлик фаолиятини муваффақиятли ташкил этиш ва юритиш, уларнинг мамлакат иқтисодиётидаги, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ғоят муҳим, устувор вазифаларини ҳал этишдаги ролини ошириш учун яна ҳам кўпроқ қулай шарт-шароитларни яратиб беради.

Твои герои, Узбекистан!

МЕДАЛЬ ЗА ВЕРНОСТЬ ДОЛГУ

Весть о том, что механик-водитель танка младший сержант Нормумин Худайкулов в преддверии празднования 17-й годовщины создания Вооруженных Сил Указом Президента Республики Узбекистан удостоен медали «Содик хизматлари учун», быстро облетела воинский коллектив. Сослуживцы поздравили военного профессионала, отмечая, что данная высокая награда Родины стала достойной оценкой верности воинскому долгу, высокой боевой выучки и мастерства.

В наш приезд опытный механик-водитель был занят важным делом: готовил свою боевую машину к эксплуатации в летних условиях.

– Младший сержант Худайкулов является для всех нас примером во всем, – говорит старший лейтенант Денис Маматкулов. – За многие годы службы по контракту он накопил богатый опыт обслуживания боевых машин, которым всегда готов щедро поделиться с товарищами. А еще его отличают огромное трудолюбие, самоотверженность и колоссальная самоотдача.

– Мы его уважаем не просто как большого специалиста, но и как отзывчивого старшего брата, – так отозвался о механике-водителе его коллега младший сержант Ашур Рузиев. – К нему можно обратиться за советом не только тогда, когда не решается проблема с ремонтом техники, но и по личным вопросам. Ведь у младшего сержанта Худайкулова за плечами большой стаж служебной деятельности и жизненный опыт.

Действительно, и в личном плане у нашего героя полный порядок. С супругой Дилором живут душа в душу, вырастили четверых детей. Старший сын, Мехриддин, учится на втором курсе финансового колледжа в столице, а Мухриддин заканчивает школу. По словам отца, его младший сын твердо решил стать офицером, сейчас готовится поступать в ЧВТКИУ. Что ж, если Мухриддину повезет с поступлением, то военная династия танкистов Худайкуловых найдет свое продолжение во втором поколении.

Сам кавалер государственной награды скромно считает, что медалью отмечены успехи в боевой учебе всего дружного экипажа. И просит упомянуть о командире танка младшем сержанте Акмале Розметове, наводчике младшем сержанте Бахроме Юлдашеве.

– Все мы втроем являемся единым целым, – говорит младший сержант Н. Худайкулов. – Ведь победа в бою, учебном или реальном, не достигается одним механиком-водителем, будь он даже семи пядей во лбу. Победа куется общими усилиями, так что медаль эта – оценка слаженности действий всего нашего экипажа, дружного не только на полигоне, но и в жизни. Без всякого преувеличения можно сказать, что мы – одна семья.

Что ж, и здесь опытный воин рассудил по-житейски мудро. И действительно, основное отличие танка от мирной гусеничной техники в этом и состоит: в спаянности его экипажа, готовности метко вести огонь и бороться за победу в самых сложных условиях боя. Медаль за верность долгу, высокий профессионализм и преданность, врученная механику-водителю младшему сержанту Нормумину Худайкулову, вдохновила на новые успехи в боевой учебе весь экипаж.

Майор Алишер АББАСОВ.
Фото **автора.**

АКТУАЛЬНО

За строкой Обращения Президента

СИЛА АРМИИ – В ЕДИНСТВЕ С НАРОДОМ

В завершающей части Обращения, посвященного 17-летию образования Вооруженных Сил Узбекистана, Президент Ислам Каримов подчеркнул: **«Сила нашей армии – в ее крепких узах, неразрывной связи со своим народом».** Это заявление – не лозунг, не конъюнктура, не дань моде, а один из основополагающих принципов, положенных в основу военной политики государства и создания собственных Вооруженных Сил. Уже в первые годы независимости наш народ видел в создаваемых Вооруженных Силах надежного гаранта мира и стабильности в стране и регионе, надежную основу устойчивого социально-экономического развития республики, обеспечения спокойствия и благополучия народа.

Новая национальная армия, являясь инструментом и атрибутом государства, рассматривается как важнейшая составляющая нашей независимости и государственности, как плоть от плоти народа и как сила, способная отстоять независимость страны, ее суверенитет и мирную жизнь нашего государства. Она твердо стоит на стороне народа, на стороне Закона, на стороне Конституции Республики Узбекистан. Статья 126 Конституции гласит: **«Республика Узбекистан содержит Вооруженные Силы для обеспечения своей безопасности на уровне необходимой достаточности».** Но «необходимая достаточность» – категория непостоянная. Она зависит от многих факторов. Учитывая обострение военно-политической обстановки в регионе и мире в целом, возрастание угроз и вызовов нашей безопасности, изменение форм и способов вооруженной борьбы, руководство республики мерами военного реформирования поднимает боевую мощь и боевую способность Вооруженных Сил до уровня необходимой достаточности. Другими словами, военная реформа и Обращение главы государства как важнейший документ, направленный на углубление военного реформирования и дальнейшее совершенствование Вооруженных Сил, идут в рамках требований Конституции Республики Узбекистан, т.е. в рамках Закона. И это, думаю, понятно даже неграмотному человеку.

Сегодня мы можем твердо заявить, что в военной реформе, как и во всех реформах, проводимых в нашем государстве под руководством Президента Ислама Каримова, **выражена воля народа.** Думаю, нелишне напомнить и то, что наш народ никогда и ни от кого не будет зависеть.

Единство армии и народа уже проверено временем и подтверждается нашей повседневной жизнью и ревностной службой наших сыновей. Глава государства в Обращении подчеркнул: **«В Вооруженных Силах сегодня служат самые лучшие наши сыны и дочери, глубоко преданные интересам Отечества, стоящие на страже мирной и спокойной жизни на нашей земле. Их воинский бескорыстный труд как никогда высоко ценится, пользуется глубоким уважением всего нашего народа, а сам военнослужащий на деле окружен заботой государства и общества».**

Ни где-нибудь, в ближнем или дальнем зарубежье, а именно у нас в нашей стране стало обычным явлением, что матери и отцы с готовностью и радостью отправляют своих сыновей в армию – на срочную или контрактную службу. Это наглядное свидетельство того очевидного факта, что в нашей стране за годы независимости произошли не просто большие, а глубинные процессы в интересах людей, что неизмеримо возрос престиж военной службы, авторитет военнослужащего – защитника Родины, и не на словах, а на деле укрепилось единство армии и народа. Посмотрите на торжественные, волнующие, патриотические проводы нашей молодежи в армию и вы поймете – единство нашей армии и народа не просто реальность, это – великая сила.

Откуда появилась эта сила, где ее истоки? Они – в нашей национальной идее и идеологии национальной независимости. Именно они составляют надежную основу единства армии и народа. Армия и народ. Эти понятия существуют всегда рядом, но не всегда находятся в единстве. Единство им создают национальная идея и идеология национальной независимости. Для народа они выступают как важнейшая объединяющая, мобилизующая, цементирующая, духовно-нравственная идеологическая сила, в его борьбе за упрочение независимости, реализацию социально-экономических и общественно-политических реформ, строительство правового, демократического государства, гражданского общества. А для армии – идейно-нравственная и духовная основа укрепления обороноспособности страны, сохранения мира и стабильности, надежного обеспечения неприкосновенности наших границ, поддержания высокой боевой готовности Вооруженных Сил.

Вооруженные Силы сегодня решают ответственные военно-стратегические и общественно-политические задачи.

Во-первых, их высокая и постоянная боевая готовность является важнейшим условием надежной защиты нашей независимой Родины. А это требует, чтобы боевая готовность постоянно совершенствовалась, не отставала от требований времени. Постоянно растущая боевая готовность Вооруженных Сил, их боевая мощь сдерживают агрессивные замыслы любых сил, которые должны знать, что получат достойный отпор.

Во-вторых, обеспечивая безопасность страны, наши Вооруженные Силы создают благоприятные возможности для поступательного и устойчивого развития страны, последовательного решения задач реформирования всех сторон нашей общественной жизни, укрепления мира и стабильности в стране и регионе. Поэтому проблемы реформирования в стране, борьбы за мир и стабильность, забота о повышении боевой готовности Вооруженных Сил слиты воедино. Чем выше боевая готовность Вооруженных Сил, тем меньше вероятность того, что террористы или какие-то иные деструктивные силы осмелятся нарушить нашу мирную жизнь, наш труд по строительству государства с великим будущим.

В-третьих. Высокая боевая готовность Вооруженных Сил вытекает из постоянного глобального факта совершенствования оружия, средств вооруженной борьбы, способов их применения, форм и методов осуществления вооруженных акций. В связи с этим возрастает значение мобильности, маневренности, самодостаточности боевых подразделений. А это, в свою очередь, требует изменения и переосмысления стратегии и тактики вооруженной борьбы и внесения в них соответствующих корректив и изменений. Что и нашло свое полное отражение в Обращении главы государства.

Все возрастающая, неизмеримо высокая ответственность Вооруженных Сил перед обществом и государством представляет в современных условиях повышенные требования к оперативно-тактическому и стратегическому понятию боевой готовности. Важнейшими из этих требований являются:

1. Вооруженные Силы должны

иметь сбалансированный боевой потенциал и быть готовыми вести успешные боевые действия в любой, самой сложной обстановке с любым агрессором и с применением самых современных систем оружия, средств вооруженной борьбы с самым коварным и бесчеловечным противником.

2. Боевая готовность должна быть постоянной. Она не может иметь временный, сезонный характер или зависеть от времени очередного призыва или увольнения в запас военнослужащих. Законом жизни всех видов и родов войск должно быть постоянное совершенствование боевой готовности частей и подразделений, всемерное усиление бдительности и боевой настороженности, особенно при несении боевого дежурства, караульной и внутренней службы.

3. Организация боевой, командирской, оперативной подготовки войск и всей жизнедеятельности частей и подразделений должна обеспечивать их готовность к немедленным и эффективным боевым действиям. Никакие организационные мероприятия, связанные с освоением новой техники, призывом или увольнением в резерв военнослужащих и т.п., не должны отражаться на готовности войск к немедленным боевым действиям, на их боевой способности.

Высокая боевая готовность Вооруженных Сил слагается из боевой готовности каждого солдата, сержанта, офицера, каждого расчета, экипажа, каждого подразделения, части. То есть в основе боевой готовности Вооруженных Сил лежит готовность каждого военнослужащего в любую минуту выступить на защиту своей независимой Родины и самоотверженно выполнять боевую задачу.

Нельзя не подчеркнуть и то, что основу боевой готовности военнослужащего составляет его профессиональное мастерство и умение воевать по-современному. А внутренним двигателем, побудительной силой, является его верность воинскому долгу и святая любовь к Родине, народу и Президенту.

У нашего военнослужащего широкий круг обязанностей, но самая главная из них – находиться в постоянной боевой готовности. Что это значит для солдата? Это значит – каждому из них необходимо:

– глубоко осознать социально-политическую сущность требований Президента страны, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами Ислама Каримова, Министра обороны, Объединенного штаба по повышению бдительности и боевой готовности и определить свое место, роль в их качественном выполнении;

– выработать у себя государственный подход к вопросам боевой готовности и обостренное чувство ответственности за надежную защиту своей независимой Родины и мирного труда нашего народа;

– постоянно и с полной отдачей сил овладевать военными профессиональными знаниями, боевым мастерством, учиться военному делу, исходя из требований современного боя. Настойчиво углублять общественно-политические знания, хорошо знать военно-политическую обстановку в мире и регионе и делать для себя правильные практические выводы;

– формировать у себя крепкие морально-боевые и психологические качества, стремиться быть передовым воином в боевой учебе и соревновании, самоотверженно действовать на тактических занятиях и учениях;

– неуклонно выполнять требования Военной присяги и Общевоинских уставов, крепить воинскую дисциплину и организованность, бдительно нести боевое дежурство, караульную и внутреннюю службу;

– хорошо знать вероятного противника, его оружие, боевую технику, способы действий и отрабатывать адекватные меры противодействия их гнусной тактике.

Надо всегда помнить, что военнослужащий Вооруженных Сил Республики Узбекистан – это прежде всего воин-патриот, верный Военной присяге и воинскому долгу. Он целеустремлен, хорошо подготовлен и развит в интеллектуальном, военно-профессиональном, морально-психологическом и физическом отношениях. Помнить и о том, что мы живем в сложное время, требующее от каждого из нас полного включения всех своих потенциальных возможностей, сил, знаний и опыта, личной ответственности за безопасность страны, будущее наших реформ в обществе, государстве и в Вооруженных Силах.

Оберегая настоящее и будущее страны, сегодня, как никогда, мы должны трудиться на перспективу, на оборону, на безопасность Отчизны и мирную жизнь нашего народа. С этой благородной задачей наши военнослужащие всегда справлялись блестяще. Достойно они решат и задачи, поставленные перед ними в Обращении главы государства по углублению военного реформирования и дальнейшему совершенствованию Вооруженных Сил, повышению боевой готовности частей и подразделений.

Анфим ХЛЫЗОВ.

КВАЛИФИКАЦИЯ

В Академии Вооруженных Сил

НА ВЫСШИХ КУРСАХ – НОВЫЙ ВЫПУСК

15 мая 2004 года в жизни Академии Вооруженных Сил произошло важное, выражаясь современным языком, знаковое событие: первый выпуск на Высших курсах по подготовке штабных офицеров (ВКПШО). И вот, спустя пять лет и один день, состоялся очередной, новый выпуск.

К данному событию коллектив ВКПШО подошел с отличными показателями. Подтверждение этому можно увидеть в объявленной за высокое методическое мастерство благодарности от имени начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил преподавателям Высших курсов подполковникам резерва В. Лысенко и А. Аббасову.

В этот день Памятные знаки начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил были вручены отличникам учебы, выпускникам ВКПШО подполковникам Т. Таджибаеву и В. Цою, майору А. Лавриненко.

Обратившись к выпускникам ВКПШО со словами теплых приветствий и искреннего поздравления, первый заместитель Министра обороны – начальник Объединенного штаба Вооруженных Сил генерал-майор А. Косьяненко пожелал офицерам не останавливаться в движении вперед, к новым знаниям, постоянно стремиться к новым высотам мастерства.

Поздравил слушателей ВКПШО с этой важной вехой в служебной биографии и начальник Академии Вооруженных Сил генерал-майор Ф. Усманов, отметив активное участие офицеров Высших курсов в полевых выходах Академии, военно-научной конференции, чтениях для них лекций по оперативному искусству.

От имени выпускников выступил подполковник Б. Солиев, выразив чистосердечную признательность наставникам за науку и терпение, большой массив новых знаний и навыков, что были получены за полгода учебы, и заверив от имени своих товарищей, что все эти знания будут положены на службу во имя укрепления оборонной мощи нашей Родины.

Офицера Евгения Чиботару не так давно поздравляли сослуживцы, когда войсковая часть под его началом завоевала звание лучшей по итогам учебного года. И вот взята новая вершина профессионального роста.

– Действительно, за этот короткий промежуток времени наши наставники сумели дать нам большой объем знаний, – говорит Евгений Михайлович. – Поэтому хотелось бы выразить им свою признательность.

Кавалера медали «Жасорат», начальника одной из ведущих служб военного округа офицера Закира Шахведедова хорошо знают и уважают в войсках как опытного военного специалиста.

– Конечно, практический опыт служебной деятельности значит для офицера очень много, – говорит Закир Ханкишиевич. – Но обучение на Высших курсах в Академии Вооруженных Сил в первую очередь ценно обретением новых знаний из мира военной науки, которая не стоит на месте, а развивается год от года.

Еще один кавалер государственной награды, ордена «Шон-шараф» I степени, офицер Сергей Проценко также имеет большой авторитет в Военно-Воздушных Силах нашей Родины.

– В Обращении Президента Республики Узбекистан к защитникам Родины, посвященном 17-летию образования Вооруженных Сил, ставится прямая задача о том, что усилия штабов родов войск и видов Вооруженных Сил должны быть направлены на обеспечение тесного взаимодействия, – говорит он. – За время учебы на Высших курсах вопросам взаимодействия различных силовых структур было уделено самое пристальное внимание.

Одним словом, из бесед с выпускниками юбилейного выпуска ВКПШО напрашивается закономерный вывод: каждый из них извлек немало ценного из учебы на Высших курсах именно для своего рода служебной деятельности, повысил общую эрудицию, готов нести эти знания и навыки в войска.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **Аббоса УЛУГХОДЖАЕВА.**

«Энг илғор гуруҳ командири»

ЭЗГУ ИШЛАР НАТИЖАСИ

Рустам ака ва Хосият ая ўғиллари Элдорни ҳалолликка ўргатиб, тўғри тарбия берган. Ҳаётда ҳар бир қилинган эзгу ишнинг роҳатини кўриш қачондир албатта насиб этади. Элдорнинг ота-оналари бугун эзгу ишларининг мевасидан баҳраманд.

Уларнинг ўғли лейтенант Элдор Шокиров мард ва жасур командир бўлиб етишди. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 17 йиллик тантаналарини телевизор орқали томоша қилаётиб, ўғлининг мукофотланганини кўрган Хосиятхон аянинг кўзларига қувонч ёшлари қалқди. Рустам ака «Балли ўғлим, бўш келма!» деб қўйди, қувончи ичига сиғмай.

Бугуннинг офицери ҳар томонлама чуқур билимга эга, ҳарбий соҳанинг моҳир устаси, ҳар қандай вазиятда ҳам тўғри қарор қабул қила оладиган етакчи бўлиши керак. Элдор ўзининг тиришқоқлиги ва интилувчанлиги билан ана шундай даражага кўтарилган офицер. У Фарғона вилоятида туғилиб ўсган. 2003 йилда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртига ўқишга кириб, аъло баҳолар билан битирган. Билим юртида ўқиб юрган чоғларидаёқ Қуролли Кучлар миқёсида ўтказилган спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаган эди. Офицер бугунги кунда МХХ Чегара қўшинлари сафида хизматни ўтаб келмоқда. 2008 йилда Қуролли Кучларда ўтказилган мусобақада «Энг илғор гуруҳ командири» номинацияси бўйича биринчи ўринни эгаллади. Унинг мақсади бу йил ҳам ғолибликни қўлдан бермаслик.

Майор Х. УРАЛОВ.

ЮРТИМНИНГ ҲАР ГИЁҲ, ЗАРРАСИ АЗИЗ

Мардлар касби бўлган ҳарбийликка ҳавас ва иштиёқ ила кириб келган ёш, умидли офицер Баҳром Тўхтаназаров ўз келажагини, тақдирини ва орзулари рўёбини Ватан тақдири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрди. Ватанга хизмат қилишни, истиқлолни асрашни эзгу мақсад деб билди. Ўрта мактабни тамомлагач, ҳеч иккиланмасдан Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртига ҳужжатларини топширди.

Соҳа илмини пухта ўрганиш ва етук малакали офицер бўлишни кўзлаб, бу йўлда тинмай тайёрланиб юрган ўғлонга синов ва имтиҳонлар асло қийинчилик туғдирмади. У курсантлар сафига қабул қилинди.

Билим юртидаги таҳсил давомида ўз касбининг етук мутахассислари бўлган офицерлар Анвар Мирфайзиев, Содиқ Эшонқулов, Қуролли Кучлар хизматчиси Фарҳод Шариповларнинг сабоқлари уни янада шакллантирди.

Мана, бугун у ҳақиқий ҳарбий хизматда. Зиммасидаги масъулиятли вазифани шараф билан адо этиб келаяпти. Ортда қолган ўқув йили якунларига кўра, саралар ичра сара, кучлилар ичра кучлилар баҳси бўлган «Энг илғор мутахассис» кўрик-танловининг «Энг илғор гуруҳ командири» номинацияси бўйича ғолиб деб топилди. Бу муваффақият унинг қанчалик ғайрат ва шижоатга, билим ва маҳоратга эга эканини кўрсатади.

– Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони – Президентимизнинг ташаббуслари билан асос солинган мазкур кўрик-танлов энг етук, билимли ва маҳоратли ҳарбий хизматчиларнинг баҳсидир, – дейди у биз билан суҳбатда. – Бунда ҳар томонлама ўзига ишонган илғорлар майдонга тушади. Мен ана шундай мардлар қаторида юксак натижага эришганимдан хурсандман ҳамда бундан буён ҳам фақат олға интилиб, янада юксакроқ чўққиларни забт этишни кўзлайман. Аввало, бундай натижага эришишимда ёрдамларини аямаган ва зарур шарт-шароитларни яратиб берган ҳарбий қисм қўмондонлигига, соҳа илмидан сабоқ берган устозларимга, ҳар доим қўллаб-қувватлаб, йўл-йўриқ кўрсатиб келаётган офицерлар Обид Тожиев, Даврон Қўчқоров, Отабек Холбоев ва Рустам Пўлатовларга самимий миннатдорчилик билдираман. Ишонтириб айтаманки, ғалабалар мени яна ҳам олға ундайди. Зеро халқимизда, қирдан ошган тоғни кўзлар, деган пурҳикмат ган бор.

Ҳа, ҳарбий паҳлавонларимиз ўртасида баҳс ва мусобақалар шиддатли ва муросасиз тарзда кечгани рост. Бунда шунқорлар жисмонан баркамолликларини, жанговар сабоқларни пухта эгаллаганликлари ва мерганликларини, топография ҳамда ўз мутахассисликларига оид маълумотларни бенуқсон билишларини намойиш этишди. Шерзод Умаров, Шерзод Муҳаммадиев

каби офицерлардан ўзиб кетиб, ғалабани қўлга киритиш Баҳромга осон бўлмади. Бу борада доимий тайёргарлик, ўзини тоблаб борган қўл келди.

Дарвоқе, лавҳамиз қаҳрамони спортнинг енгил атлетика тури бўйича биринчи тоифа соҳиби. Ушбу натижани курсантлик йиллари Умумармия ўйинларида қўлга киритганини Баҳром фахр билан эслайди. Ватанга садоқат билан хизмат қилиб, бурчини шараф билан ўтаб, янги-янги натижаларга эришишни мақсад қилган Баҳромнинг орзулари ушалишига биз ҳам тилакдошмиз.

Жамшид ҲАКИМОВ.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ
суратга олган.

ИМТИҲОН

Сержантлар тайёрлаш мактабларида

СИНАЛАР МАҲОРАТ, БИЛИМ

Тошкент ҳарбий округига қарашли Сержантлар тайёрлаш мактаби ҳам Қуролли Кучларимиз сафларига юксак малакали кичик командирлар тайёрлаб бераётган нуфузли билим масканларидан ҳисобланади. Бугунги кунда ушбу мактабда қатор мутахассисликлар бўйича кўплаб ўғлонлар ҳарб илмидан пухта сабоқ олишиб, ўз билим ва малакаларини оширмоқдалар.

Бу ерда курсантларга таълим бериш махсус дастур асосида амалга оширилиб, уларга жанговар тайёргарлик билан бир қаторда ҳарбий педагогика ва психология, иқтисод, миллий истиқлол ғояси, этика ва эстетика, Ўзбекистон тарихи, маркетинг ва менежмент, чет тиллари, тарбиявий ишлар услубияти каби фанлар бўйича машғулотлар малакали офицерлар томонидан юқори савияда олиб борилди.

Ўқув масканида билим олиш учун барча шароитлар яратилиб, адабиётларга бой кутубхона, жисмоний тайёргарлик учун замонавий спорт зали курсантлар ихтиёрида. Қолаверса, жойлардаги давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳам кенг ҳамкорлик йўлга қўйилиб, маънавий-маърифий тадбирлар, қизиқарли учрашувлар ўтказилиб борилди.

Куни кеча Сержантлар тайёрлаш мактабининг навбатдаги битирувчилари устоз офицерлардан олган назарий, амалий билимлари бўйича имтиҳон топширишди.

Биз имтиҳонлар жараёни билан танишиш мақсадида ўқув биноси ҳамда амалий машғулотлар майдончасига йўл олдик. Ўқув хонасида цикли бошлиғи офицер Фазлиддин Нарзуллаев бошчилигидаги ўқитувчилар ҳарбий педагогика ва психология фани бўйича курсантлардан имтиҳон қабул қилаётган экан.

– Курсантларга ҳарбий педагогика ва психологиянинг вазифалари, унинг асосларини ўргатамиз, – дейди цикл бошлиғи. – Кичик командирлар учун бу фаннинг ўрни ниҳоятда катта. Командир қўл остидаги посбонни ва шахсий таркибни яхши билиши, жанговар шайлик жараёнида маънавий-руҳий тайёргарликни амалга ошира олиши учун педагогика ва психологиядан хабардор бўлиши керак. Курсантлар фанни чуқур ўзлаштиришлари учун «Ҳарбий педагогика ва психологиянинг тушунчалари ва асосий тамойиллари», «Миллий истиқлол ғояси:тамойил ва тушунчалар» каби бир қатор ўқув қўлланмаларини тайёрладик.

Курсантларнинг имтиҳонолди тайёргарликларида ушбу ўқув қўлланмаларидан фойдаланаётганликларининг гувоҳи бўлдик. Кичик сержантлар Пўлат Тўлаганов, Хайрулло Тўраевлар фанни пухта ўзлаштирганликларини намоён қилиб, имтиҳондан аъло баҳоларда ўтишди.

Алоқа тайёргарлиги хонасида бўлганимизда, цикл бошлиғи офицер Олег Шипилов курсантларнинг алоқа тайёргарлигидан олган назарий ва амалий билимларини синовдан ўтказаётган экан. Шунингдек, дала шароитида офицерлар артиллерия цикли бошлиғи Равшан Аббосов ва Бахтиёр Дадажоновлар ҳам кичик командирларнинг соҳа бўйича эгаллаган билимларини имтиҳон қилишмоқда.

– Биз бу ерда билимларимизни тажрибали офицерлардан олаётган сабоқларимиз билан янада мустаҳкамладик, – дейди курсант Ҳаёт Нуриддинов. – Ҳозирда барча мутахассисликлар бўйича имтиҳон топшираяпмиз. Албатта устозлар ишончини оқлаб, синовлардан аъло баҳоларга ўтишга ҳаракат қиламиз. Ўзлаштирган билим ва тажрибаларимиз хизматимиз давомида, қўл остимиздагилар билан ишлашда яқиндан ёрдам беради, деб ўйлайман.

Курсантлар Умуҳарбий низомлар, махсус тайёргарлик, оммавий қирғин қуроллари ва улардан ҳимояланиш, муҳандислик, саф, отиш тайёргарлиги, тиббий, техник, тактик, жисмоний тайёргарлик каби машғулотлардан ҳам имтиҳон топшириб, салоҳият ва маҳоратларини синовдан ўтказишяпти.

Курсантлардан – Жўрабек Зайниддинов, Асқар Мамаев, Васлиддин Ҳамидов, Ғофур Ғуломов, Ғайбулло Рўзимуродов, Шермуҳаммад Мусаев, Учқун Мустафоев кабилар имтиҳонларни аъло баҳоларга топшириб, сафдошларига ўрнак бўлишди.

Ишончимиз комилки, ушбу мактабни битириб, профессионаллик сари одимлаётган кичик командирлар ўзларига билдирилаётган юксак ишончни оқлаб, Ватанимиз тинчлигига, юрт равнақига муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Аҳрор НОЗИМОВ.
Муаллиф олган сурат.

Идет боевая учеба

ПРИСТРЕЛЯЛСЯ – БЕЙ БЕЗ ПРОМАХА!

В подразделении старшего лейтенанта Ильхома Буваева, составленном из одних военных профессионалов, и к вопросам правильной пристрелки боевого оружия относятся соответственно со всей серьезностью.

На учебном месте, где ведется пристрелка автомата по командирскому ящику (КЯ), руководит занятием заместитель командира группы младший сержант Ином Эргашев.

Вот занял позицию фельдшер группы младший сержант Холбой Норматов. Знакомая товарищам сумка с медикаментами не мешает ему внимательно вносить поправки на прицельном приспособлении. Чувствуется в каждом движении большая культура обращения с оружием: воин трудится так старательно, будто лечит трудного пациента.

А вот на учебном месте по изготовке к бою отрабатывает до автоматизма все элементы огнеметчик рядовой по контракту Касым Мансуров. Казалось бы, что тут сложного: займи позицию, да открывай огонь. Но нет, в воинском мастерстве не бывает места упрощенчеству, потому что чуть неверно отставленная нога или не так прочно поставленный упор рукой могут в ходе стрельбы обернуться досадными промахами, перечеркнуть все усилия.

После приведения оружия к нормальному бою и тренировок в правильности изготовки к стрельбе личный состав подразделения в рамках выполнения упражнения контрольных стрельб отрабатывает выдвижение на огневую позицию и метание учебных гранат. В реальном бою не будет возможности спокойно занять место в окопе, а выдвижение под обстрелом предполагает перебежки зигзагами.

Добежав до окопа, первая смена докладывает о готовности к ведению огня, замерев в ожидании команд младшего сержанта Абдурашида Абдурахимова, с флажками в руках ждущего сигнала с командного пункта войскового стрельбища. Наконец, поднимаются мишени и звучат автоматные очереди.

Первая смена показывает отличные результаты, в ведомость взвода вписываются первые «пятерки». Планка поднята очень высоко, остальным воинам негоже стрелять хуже, чтобы не снизить оценки всего подразделения. Впрочем, тщательная учебно-тренировочная работа, проведенная до выхода на огневой рубеж, приносит свои плоды – практически основная масса военнослужащих отстреляли с высоким уровнем меткости.

В ходе недельного полевого выхода подразделению предстоит отработать большой объем задач по тактической, специальной подготовке. Но успешный задел воодушевляет воинов с большой самоотдачей трудиться на полигоне. В частности, уже успели отличиться на занятии по инженерной подготовке младший сержант Гайрат Ибрагимов, по военной топографии – младший сержант Холбой Норматов, подав добрый пример сослуживцам.

В психологическом плане меткость стрельбы также трудно переоценить: она дает воину чувство уверенности в своем оружии, помогает лучше сконцентрировать усилия в каждом элементе учебного боя.

Майор Шопулат ТУРДИЕВ.
Фото автора.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Ислоҳотлар амалда

ЮКСАК ЭЪТИБОРДАН МАМНУНМИЗ

Бугун ҳарбий хизмат ўзгача қиёфа, шакл ва мазмун касб этган. Ёшларимиз «ҳаёт мактаби» бўлган армияда хизмат қилишни, мазкур соҳа билан ўз ҳаёт йўлларини боғлашни шараф, фахр деб билишмоқда. Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси ўлароқ, мардлар касби – ҳарбийликка қизиқиш тобора ортиб бораётгани ва армияда хизмат қилиш ёшларимиз учун наинки конституциявий бурч, балки устувор мақсад, том маънодаги шон-шараф ишига айланаётгани, ҳарбийлик борган сари обрў-эътиборли соҳага айланиб бораётгани кишини қувонтиради.

Албатта, бу ўринда ҳарбий хизматчиларнинг бугунги мақоми, уларга кўрсатилаётган эътибору ғамхўрликлар ўзига хос ўрин тутади. Ҳозирги кунда посбонлар учун белгилаб қўйилган имтиёзлар, ҳарбий хизматни адо этиш туфайли қўлга киритиш мумкин бўлган имкониятлар ҳавас қилса арзирли даражада.

Президентимизнинг Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил топганининг 17 йиллик байрамига бағишланган Мурожаатида: «Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш, армияда моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган кенг кўламли чора-тадбирларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Яқин йиллар ичида ўнлаб замонавий ҳарбий шаҳарчаларни барпо этиш ва реконструкция қилиш, бу объектларда энг юксак талабларга ҳамда ҳарбий хизматчилар ва уларни оилаларининг эҳтиёжларига жавоб берадиган қулай ижтимоий-маиший шароит ва инфратузилмаларни яратиб беришимиз керак. Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш бўйича тасдиқланган, 2015 йилгача мўлжалланган давлат дастурининг сўзсиз бажарилишига эришиш, ҳарбийларимизга тиббий, курорт-санатория хизмати кўрсатишни яхшилаш чораларини амалга ошириш лозим...», дейилади.

Дарҳақиқат, ўз ҳаётини шарафли ва масъулиятли соҳа бўлган Ватан ҳимоячиси бўлишдек эзгу вазифага бағишлаган, истиқлолимизни мардона асрашга чоғланган ҳарбий хизматчилар давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий эътиборидадир. Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг бош мақсади ҳам аввало, инсон омилига, унинг фаровон ҳаёт кечириши учун етарлича шарт-шароитлар яратишга қаратилгандир.

Шу асосда бугун амалга оширилаётган тадбирларни белгилаб берилган устувор вазифаларнинг амалдаги ижроси сифатида эътироф этсак, хато қилмаймиз.

Яқинда Тошкент ҳарбий округида қувончли воқеанинг гувоҳи бўлдик. Яъни қисқа фурсатда битказилган, барча қулайликларга эга кўп хонадонли тураржой биноси ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари учун фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали тадбирда Мудофаа вазирлиги масъул ходимлари, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, мазкур иншоотни бунёд этишда иштирок этган «Наманганагроқурилишсервис» ҳамда «Омад» қурилиш корхоналари вакиллари иштирок этди.

Чор-атрофга таралаётган мусиқа ва карнай-сурнай садолари бу ерда тароватли, файзли бир тантана бўлаётганини билдириб турарди. Билмаган одам бу ерда тўй бўлаётган бўлса керак, дея ўйлаши мумкин. Дарҳақиқат, бу ростдан ҳам ўзига хос тўй. Кўп йиллик анъаналаримизга, бардавом қадриятларимизга кўра, халқимиз шодиёна кунларини ана шундай нишонлайди. Янги хонадонга кўчиб ўтилганда уй тўйи қилишдек урф-одатимиз борлигини яхши биламиз.

Тантана иштирокчиларини кузатар эканман, уларнинг юз-кўзларидан бахтиёрлик ва мамнуният ифодаларини илғадим. Янги қўни-қўшнилар бир-бирларини қутлашган. Жажжи фарзандларини бағриларига босиб, каттароқларини етаклаб олган ҳарбий хизматчиларнинг турмуш ўртоқлари кўп қаватли уйга ишора қилиб, болаларига, «ана шу бизнинг уйимиз, энди шу ерда яшаймиз», дейди қувонч билан.

Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Т.Ҳамроқулов янги хонадон соҳиб ва соҳибаларини ушбу қувончли кун билан қизғин қутлар экан, жумладан шундай деди:

– Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини янада яхшилаш борасида амалга оширилаётган бундайин ишлар Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларнинг амалдаги ижросидир. Ҳарбий оилалар истиқомат қиладиган ана шу хонадонлардан келажакда етук, баркамол фарзандлар етишиб чиқишини чин дилдан тилаб қоламан.

Шундан сўнг хонадонларнинг калитлари тантанали равишда ўз эгаларига топширилди. Янги уйга эга бўлганларни қутлаб сўзга чиққанлар ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган бу каби ғамхўрликларга муносиб бўлишларини таъкидлашди.

– Оиланг ва яқинларингдан кўнглинг хотиржам бўлса, хизматингда унум бўлади. Зиммангдаги вазифангни шараф билан уддалайсан, – дейди янги уй соҳибларидан бири офицер Улуғбек Раҳимов. – Мана, оиламиз билан янги хонадонга эга бўлдик. Бу албатта, биз учун жуда қувончли воқеа.

– Ўз уйимизга эга бўлганимиздан хурсандмиз, – дейди офицер Абдурашид Эргашевнинг турмуш ўртоғи Раъно Эргашева қувонч билан. – Айниқса, хоналарнинг шинамлиги, замонавий ошхона жиҳозлари, маиший воситаларнинг ўрнатилгани ғоят манзур бўлмоқда.

– Қўни-қўшнилар ҳам табиийки, ўзимиз каби ҳарбий оилалар. Ораларида кўпни кўрган, ёши катта ва тажрибалилари бор. Улар билан яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатиб, ёш оила аъзолари ўзларига қимматли маслаҳатлар олиб туриши мумкин, – дейди уч хонали уй соҳиби бўлган шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Ботир Каримов.

Хуллас, янги хонадон соҳиб ва соҳибаларининг қайси бири билан сўзлашмайлик, уларнинг қувонч ва шодликлари бир дунё эканига гувоҳ бўлдик. Катталардаги бу шоду хуррамлик кичкинтойларга ҳам ўтгани, уларнинг «Дада, ойи, мана бу хона менга дарсхона бўлади, стол-стул олиб келиб бу ерга ўрнатамиз», дея бийрон чуғурлашаётганини, айтмайсизми!

Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамблининг хушовоз хонандалари томонидан ижро этилган куй ва қўшиқлар тадбирга янада файз бағишлади.

Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ
суратга олган.

МУҲИМ МАСАЛАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзолари ҳамда Мудофаа вазирлиги масъул офицерлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги ва «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунлари ижроси юзасидан ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда ижтимоий таъминот масалалари бўйича Мудофаа вазирлиги тизимида амалга оширилаётган ишларни ўрганишга бағишланди.

Маълумки, ўз ҳаётини эл-юрт осойишталигини ҳимоя қилишдек шарафли вазифага бағишлаган ҳарбий хизматчилар давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий эътиборида. Бу борада юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг бош мақсади ҳам аввало, инсон омилига, унинг фаровон ҳаёт кечириши учун етарлича шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Тадбирда сўзга чиққанлар ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини янада ошириш, армияда моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларга алоҳида тўхталдилар. Шунингдек, ҳарбий хизматчилар ва уларни оилаларининг эҳтиёжларига жавоб берадиган қулай ижтимоий-маиший шароит ва инфратузилмаларни яратиб бериш, тиббий, курорт-санатория хизмати кўрсатишни яхшилаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишларнинг янада такомиллаштирилиши лозимлиги қайд этилди.

Тадбир давомида қонуншунослар вазирлик ёки идораларга бириктирилган турар-жой фондларининг ҳисоби, ҳолати, ҳарбий хизматчиларни турар-жой билан таъминлашда вазирлик ва идораларга қарашли уй-жойдан фойдаланиш органлари ва маҳаллий ҳокимият органларининг ўз ҳамкорликлари юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Шунингдек, депутатлар ҳарбий хизматдан бўшатилганларга тураржой бериш, хизмат вазифасини намунали тарзда адо этаётган ҳарбий хизматчиларни маънавий ва моддий рағбатлантириш тартиби ҳамда хизмат бурчини адо этаётганда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига яратилган имкониятларга ҳам эътибор қаратдилар.

Йиғилиш иштирокчилари ҳарбий қисмларда ҳам бўлишиб, посбонларимиз учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишишди.

Катта лейтенант
Яшин КОМИЛОВ.

ASKAR

В мобилизационном призывном резерве

ЗА МЕСЯЦ МОЖНО МНОГОЕ УСПЕТЬ

Популярность среди нашего населения службы в мобилизационном призывном резерве (МПР), на мой взгляд, вызвана не одной лишь скоротечностью прохождения сбора, а именно этой уникальной возможностью за такой короткий срок узнать многое о воинской службе.

Конечно, для любого мужчины самыми интересными во все времена были и останутся занятия по изучению боевых характеристик стрелкового оружия. Вот и в наш приезд у командира группы старшего лейтенанта Нодира Курбанова собралась аудитория самых преданных слушателей.

Офицер понимает, что в такой обстановке рассказчик должен максимально использовать концентрацию внимания молодых людей для того, чтобы яркими и сочными фактами способствовать закреплению в их памяти данной темы. И это выпускнику СВВАКИУ вполне удается. Выходя с занятия, юноши оживленно обсуждают ТТХ автомата, гранатомета, ручного пулемета.

Впрочем, и на занятии по общественно-политической подготовке руководитель группы капитан Турсунбой Каландаров чувствует себя уверенно, хотя контингент подобрался серьезный. Взять, к примеру, Фарруха Дустова из Сариасийского района, парень окончил Каршинский филиал столичного университета информационных технологий. Или Фазлиддина Каршиева из Шурчи, выпускника Ташкентского химико-технологического института. Людям с высшим образованием обстановку в стране и в мире тоже надо довести умело. Капитан Т. Каландаров с первых минут занятия овладевает вниманием аудитории, показав, что в ТВОКУ готовят не только хороших командиров, но и воспитателей тоже.

Самым популярным среди личного состава батальона МПР местом учебы является тренажерный комплекс. Здесь, на компьютерных тренажерах, можно потренироваться в закреплении навыков меткой стрельбы из автомата, пистолета, снайперской винтовки. Младший сержант Вахоб Эргашев не просто объявляет каждую мишень, но и по ходу стрельбы дает поправки и ценные замечания.

– Честно говоря, я не очень верил своим землякам, когда они хвалили здешние условия, – признается Джамшид Хамраев из Сариасии. – Однако действительность превзошла все ожидания. Теперь я убедился, что при правильной организации учебного процесса можно и за месяц добротно усвоить азы солдатской грамоты.

Учителю физкультуры Денауского строительного колледжа Ильхаму Джалилову очень понравились тренажеры в спортивном комплексе. Мастер национальной борьбы кураш не только обучился воинскому мастерству, но и спортивную форму поддерживал на уровне.

Фельдшер из Алтынсайского района Сайфиддин Султанов мечтает поступить в институт. Даже для него этот месяц на сборах в МПР прошел очень полезно, так как юноша увидел в деле организацию работы медицинского пункта в воинских условиях.

Одним словом, из бесед с молодыми людьми можно сделать вывод: и за месяц можно многое успеть, если этим делом заниматься от души. А лучшим взводом в батальоне по итогам очередного сбора стал взвод капитана Джахонгира Зияева. Так что состязательность серьезно влияет на рост качества учебы.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **автора.**



MAQSADI ULKANDIR O‘G‘LONNING



«Bugun Qurolli Kuchlarimiz saflarida ona Vatanimiz manfaatlariga sadoqatli, sarhadlarimizni, muqaddas zaminimizdagi tinch va osoyishta hayotni ko‘z qorachig‘idek asrash kabi sharafli burchni o‘z zimmasiga olgan eng munosib o‘g‘il-qizlarimiz xizmat qilmoqda», – degan edi Prezidentimiz ma’ruzalarining birida.

Ha, yurtning osoyishtaligini himoya qilishni, sarhadlarimiz daxlsizligini ta’minlashni.Vataniga sharaf bilan xizmat qilishni har bir er yigit orzu qilishi haqiqat.

Samarqandlik oddiy askar Shuhrat O‘rozov ham ana shundayin yoshlardan.

– Armiyani bejizga hayot maktabi deb atashmas ekan. Bu yerda har taraflama chiniqayapman, toblanayapman. Shuningdek, yigit kishi uchun kerak bo‘lgan ko‘p narsalarni o‘rganmoqdaman. Ustoz ofitser va serjantlardan harb ilmini o‘rganishga harakat qilayapman.

Yoshligidan sport bilan muntazam shug‘ullangan qahramonimizning qo‘lga kiritgan yutuqlariga hamma havas qiladi. Sportning erkin kurash turiga mehr qo‘ygan o‘g‘lon Samarqand tumanidagi Bog‘ishamol sport maktabida o‘qib yurgan kezlaridayoq ko‘plab musobaqalarda ishtirok etib g‘olib bo‘lgan, sovrindorlar safidan o‘rin olgan. Jumladan, 2004 yilda u Bulung‘urda o‘tkazilgan viloyat birinchiligida 2-o‘ringa sazovor bo‘ldi. 2005 yilda tashkil etilgan birinchilikda esa barcha raqiblarini mag‘lubiyatga uchratib, shohsupaning yuqorisiga ko‘tarildi va musobaqaning oltin medali bilan taqdirlandi. 2006 yilda Buxoroda o‘tkazilgan musobaqada esa uchinchi o‘rinni egalladi. Ayni damda safdoshlari Erkin Jumanazarov, Bahodir Yo‘ldoshyev, Uchqun Elmurodov, Akrom Ibragimovlarga kurash sirlarini o‘rgatib kelayotganini eshitib, juda quvondik. Mashoyixlar bejizga «O‘ziga ravo ko‘rganni o‘zgalarga ham ravo bilmoq mardning ishi», deb ta’kidlamaganlar. Milliy armiyamiz saflarida ana shunday mardu maydon yigitlarning xizmat qilayotgani ko‘ngillarni faxr va g‘urur hislariga to‘ldiradi.

– Oddiy askar O‘rozov harbiy jamoamizning eng ilg‘or posbonlaridan. U erishgan yutuqlardan biz ham faxrlanamiz. Armiyamiz saflarida ana shunday barkamol, yetuk yigitlarning xizmat qilayotgani tinchligimiz ishonchli qo‘llarda ekanining belgisidir, – deydi kichik serjant Oybek Rustamov.

Lavhamiz qahramoni nafaqat sport mashg‘ulotlarida yetakchi, balki jangovar va ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik mashg‘ulotlarining bilimdoni hamdir.

– Armiyada o‘qish-o‘rganish, chiniqish bilan bir qatorda ko‘p do‘stlar orttirdim. Kelgusida sharafli soha egasi bo‘lishga ahd qilganman. Bu borada ustoz ofitserlar Musurmon Shermatov, Yahyo Abdurahmonov, kichik serjantlar Anvar Mamadiyorov, Aleksandr Kim, Oybek Rustamovlardan olgan saboqlarim asqotishiga ishonaman.

Mansur SOBIRQULOV.
Bahrom ABDURAHIMOV suratga olgan.

Tahririyatga maktub

YURTNI QO‘RISHNI KASB BILIB

Vatan himoyasi – muqaddas. Yurt qo‘rishni kasb qilgan o‘g‘lon borki, ko‘nglida ajib bir iftixor, g‘urur hissini tuyadi. Chunki sarhadlarimiz daxlsizligi, yurtimizning tinchligi aynan sharafli soha egalarining kechani kecha, kunduzni kunduz demay, xizmat mashaqqatlarini sabot bilan yengib, zimmalaridagi vazifani sidqidildan ado etishlariga bog‘liqdir. Shuning uchun ham ajdodlarimiz harbiylikni ulug‘lab, askarlikni sharaf bilib keladi.

Surxondaryo viloyatida o‘z yigitlik burchimni o‘tamoqdaman. Egnimga harbiy libos kiyish, Vatanimning mard, fidoyi posbonlari safida el-yurt osoyishtaligini ta’minlashga hissamni qo‘shish bolaligimdan katta orzuim edi. Ana shu tilagim amalga oshganidan benihoya xursandman.

Armiyada qisqa vaqt ichida ko‘p narsani o‘rgandim. Umumharbiy nizomlar bilan tanishdim, jangovar va ijtimoiy-siyosiy tayyorgarliklar bo‘yicha ko‘nikmalar orttiryapman. Bu borada bizga armiyadagi malakali ustoz-ofitserlar va serjantlar yaqindan yordam berib kelishayotir.

Bugungi kunda professional asosda shakllanayotgan armiyamizda harbiy xizmatchilarning ma’naviyati yuksalishi, dunyoqarashi kengayishiga ulkan e’tibor qaratilyapti.

Olib borilayotgan izchil islohotlar, sohadagi yangiliklar, mamlakatimizda va dunyoda ro‘y berayotgan muhim voqea-hodisalardan muntazam tanishib borishimizda «Vatanparvar» gazetasining yordami katta bo‘lmoqda. Gazetani sevib mutolaa qilamiz, undan Vatan himoyachisi bilishi lozim bo‘lgan ko‘p narsalarni o‘rganamiz.

Menga, ayniqsa, «Avtoolam» sahifasi juda yoqadi. Avtomobillarga, umuman, texnikaga nihoyatda qiziqaman. Gazeta sahifalarida jahon avtomobilsozligi yutuqlari, transport sanoati rivojlangan mamlakatlarning bu borada erishayotgan muvaffaqiyatlari haqida atroflicha ma’lumotlar berib borilayotgani meni quvontiradi. O‘ylaymanki, o‘zbek avtoolami hamda avtosport yangiliklari haqida ham yoritilsa, bundan ko‘pchilik, ayniqsa, avtomobil ishqibozlari mamnun bo‘ladi.

Otajon SHARIPOV,
oddiy askar.

ТАНЛОВ

ОИЛАМ – ИФТИХОРИМ,

Тонгларда кўзларингда
вафо кулиб уйғонса,
Оқшомлар болишингда
садоқат гулдек ёнса.
Қадам боссанг, остонанг
меҳр билан тўлғонса,
Уйида бахти борлар
ҳар ерда бахтиёрдир.

Ҳа, шоир ҳақ. Кишининг оиласида ҳаловати бўлса, садоқат, муҳаббатга йўғрилган ширин турмуши бўлса, ўша инсон бахтиёрдир. Чунки оиласида ўрин топган инсоннинг жамиятда, севган касбида ҳам ўрни бўлади. Ҳаётидан мамнун, кўнгли тўқ инсонгина хизматга астойдил ёндашади. Оиланинг сеҳрли қудрати ҳам шунда.

Мудофаа вазирлиги томонидан ҳарбий оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовордир. Буни ҳар қадамда кузатиш мумкин. Вазирлик тизимидаги ҳарбий қисм ва муассасаларда ўтказиб келинаётган «Намунали ҳарбий оила» кўрик-танловининг анъанага айлангани ҳам бу эътиборнинг кичик бир намунаси, десак арзийди. 15 май – Халқаро оила куни муносабати билан ушбу кўрик-танловнинг республика босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур танлов ҳарбий хизматчилар оилаларида миллий қадриятларни, урф-одатларни, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, улар ўртасида оила маданияти ва одоби, фарзандлар тарбиясини тўғри шакллантириш каби мақсадларга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройида бўлиб ўтган «Намунали ҳарбий оила» кўрик-танловининг якунловчи босқичида ҳарбий округ ва гарнизонлар, ҳарбий билим юртлари миқёсида ўтказилган танлов ғолиблари, яъни ўн бир оила иштирок этишди. Уларнинг «Саломлашув», «Уйга вазифа», «Саҳна кўриниши» ҳамда «Эркин мавзу» шартлари бўйича ўзаро беллашувларини профессор Жамила Шермуҳамедова бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати аъзолари муносиб баҳолаб боришди. Ушбу маданий тадбир Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамблининг «Ватан» номли қалбларга яқин қўшиғи билан очилди.

Шундан сўнг саҳнага бошловчилар – ансамбль сухандони сержант Баҳром Маҳмудов ва Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлими ходими Феруза Ориповалар чиқиб келишди.

Кўнглимнинг гавҳари шу азиз маскан,
Фидодир ҳамиша унга жону тан.
Оталар ҳимматин ёди, машъали,
Оналар оқ сути, ҳурмати – Ватан.
Ўпинг, кўзингизга суртинг тупроғин,
Ҳар сўзин муқаддас дуодек севинг.
Қаданг юракларга миллат байроғин,
Ватанни Нажмиддин Кубродек севинг!

Мана шундай жонбахш сатрлар ҳаяжони остида саҳнага кўрик-танлов иштирокчилари таклиф этилди. Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Т. Ҳамроқулов танлов иштирокчиларини республика босқичига чиққанлари билан табриклаб, уларга муваффақият тилади. Оила ва унинг инсон ҳаётидаги ўрни, аҳамияти, ҳарбий оиланинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида тўхталиб ўтди.

Дастлабки «Саломлашув» шартида ҳар бир оила ўз шиори билан чиқди. «Ватанга садоқат – мангу саодат», «Оила қувончи – Ватан тинчи», «Юрт учун умримиз, жонимиз фидо»... Шунингдек, улар ўз оила аъзоларини шеър, қўшиқ, рақс ва саҳна кўринишидан фойдаланган ҳолда таништириб ўтдилар.



ИСТЕЪДОД ВА ИҚТИДОР НАМОЁН БУНДА

«Уйга вазифа» шартида қатнашувчилар ўзларининг бўш вақтларида шуғулланадиган машғулотлари ҳақида тўхталиб, ижод намуналарини намойиш этишди. Уларни яқиндан кузатар экансиз, ҳарбий оила бекалари ва фарзандлари томонидан тайёрланган чеварлик, каштачилик, зардўзлик маҳсулотлари эътиборингизни тортади. Бу танловда айниқса, Шарқий ҳарбий округ вакили сержант Сарвар Ғаниевнинг турмуш ўртоғи Шоҳистахон Толипова тиккан каштачилик намуналари кўпчиликнинг диққатини тортди. У буни қуйидагича изоҳлаб ўтди:

– Мен Фарғона вилоятида униб-ўсганман. Турмуш ўртоғим эса Қашқадарё ўғлони. Шу сабабли тиккан кашталаримда икки вилоят анъаналарини уйғунлаштиришга ҳаракат қилдим.

Ушбу танловда сержант Руслан Ваниевнинг турмуш ўртоғи томонидан намойиш этилган, чеварчиликнинг гўзал намуналарини ўзида акс эттирган ёстиқ жилдлари, кашта гуллари билан безатилган сочиқлар, шунингдек, қизчаси томонидан гугурт чўпларидан ясалган кўп қаватли уйча эътиборга сазовор бўлди.

Танловнинг ушбу шартига ижодкор ва спортчи оилалар янада ўзига хос тарзда ёндашишди. Яъни «Соғ танда – соғлом ақл» шиори остида қатнашган «Шуҳрат» медали совриндори сержант Комилжон Абдураҳимов оиласи бекаси томонидан тайёрланган каштачиликка мансуб қўл меҳнатларидан ташқари мураккаб спорт машқларини ҳам намойиш этишди. Бу кўргазмали чиқишларда нафақат катталар, балки оила фарзандларининг спортга бўлган меҳри, қизиқиши яққол намоён бўлди.

Кичик сержант Жамшид Ҳусаинов оиласи ҳам спорт-жисмоний чиниқиш борасидаги иқтидорларини кўрсатиш билан бирга, миллий ҳунармандчилигимиз маҳсули бўлмиш бешик, сандиқнинг кичик нусхаларини тақдим этишди. Агар ҳарбий ўғлонимиз ҳунармандчиликдан ҳам хабардор бўлса, бунга фақат тасанно, дейиш лозим. Оила бекасининг пиширикларини эса ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳо олганига шубҳа йўқ.

Танловнинг бу шартида Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти вакили майор Азимбой Боймуродов оиласи чеварлик, каштачилик, айниқса, зардўзлик борасида ўз маҳоратларини яққол намоён этишди. Улар келтирган хилма-хил зардўзлик маҳсулотлари кўзларни қамаштирди, десак тўғри бўлади. Оила бекаси Зебунисо, қизлари Юлдузхон ва Зулфизарларнинг ижодий ишлари ўзлари туғилиб ўсган Бухорои шариф нафасини эслатди барчага.

Зардўзлик услубидаги бундай ўзига хосликни майор Шуҳрат Халилов оиласи тайёрлаб келган санъат асарларида ҳам кузатиш мумкин. Бу борада улар томонидан намойиш этилган Ўзбекистон герби зардўзликнинг энг гўзал намунаси, десак арзийди.

Халқаро «Олтин қалам» миллий мукофоти совриндори подполковник Чори Насриддинов ижодкор сифатида кўплаб мухлисларга яқиндан таниш. Танловда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти вакили сифатида иштирок этган Насриддиновлар оиласи ўзларининг янги қирраларини кўрсата олишди. Тўғрироғи, мен бу оилани нафақат зиёли, балки ижодкорлар оиласи сифатида кашф қилдим. Чори ака эса садоқатли ёр, меҳрибон ота, ҳарбий хонадоннинг жонкуяр бошлиғи эканлигини кўрсата олди. Оиланинг гўзал қизи ижро этган танбур наволари, қўшиққа монанд рақс томошабинларга жуда манзур бўлди.

ТАНЛОВ

ВАТАН – КЎЗ НУРИМ

САҲНАДА АКТЁРГА АЙЛАНДИ УЛАР

Кўрик-танлов иштирокчилари томонидан беллашувнинг учинчи – «Саҳна кўриниши» шарти намойиш этилаяпти. Ҳаётда учраб турадиган турли хил иллатлар, муаммолар, уларни бартараф этиш йўлларини ўзида акс эттирган бу кичик кўринишлар гўёки мутахассис–режиссёрлар томонидан саҳналаштирилгандек. Роль ўйнаётганларни эса театр актёрларига бемалол тенглаштириш мумкин. Тадбирда ҳакамлар ҳайъати аъзоси сифатида иштирок этаётган Ўзбек миллий академик драма театри актёри, Ўзбекистон халқ артисти Саидкомил Умаров уларнинг актёрлик қобилиятига юқори баҳо бериб ўтирганига гувоҳ бўлдим.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ вакили сержант Пердебай Қайпназаров оиласи ўз чиқишларида халқ анъаналарини кўрсата олди. Барча кўриниш миллий либос ва маданият уйғунлигида тақдим этилди. Чанқовуз ноласидан тортиб, саҳна кўринишига қадар ўзига хослик акс этиб турди.

Майорлар Арслонбек Баратов, Азимбой Боймуродов, Шуҳрат Халилов, сержантлар Сарвар Ғаниев, Комилжон Абдураҳимов, Руслан Мусаев, кичик сержант Жамшид Ҳусаиновлар оиласи талқинида ижро этилган саҳна кўринишларида бугунги долзарб масалалар, жамиятда учрайдиган иллатлар акс этди.

Ушбу саҳна кўринишларида айниқса ҳарбий оила ўғил-қизларининг истеъдоди, иқтидори мени ҳайратга солди. Бу борада майор Боймуродов, сержантлар Абдураҳимов, Мусаевлар хонадони фарзандларига тасанно, десак арзийди.

Сўнгги «Эркин» мавзу шартида иштирокчилар шеър, қўшиқ ва рақсга бўлган иқтидорларини намойиш этишди. Бунда гўзал юртимизнинг турли вилоятларига хос бўлган рақслар барчанинг эътиборини тортди. Дастлаб майор Равшан Маҳамматовлар оиласи томонидан сурхонча рақс ўзига хос тарзда ижро этилиб, энг юқори баллга сазовор бўлди. Бу оиланинг бажарган ҳар бир шартида хонадоннинг уч маликаси – доно қизларнинг ўрни катта бўлгани аниқ.

Томошабинлар бу шартда қорақалпоқча, андижонча ҳамда мумтоз қўшиққа саҳналаштирилган рақслардан баҳраманд бўлишди. Шунингдек, мумтоз ғазаллар, Ватан, она, ҳаётга бўлган муҳаббат тараннум этилган шеърлар янгради. Сержант Сарвар Ғаниевнинг турмуш ўртоғи Шоҳистахон Толипова эса ўз ижодидан намуналар ўқиб берди.

Ҳа, ҳар бир инсонда ўзи ҳам англай билмаган яширин иқтидор мужассам. Уни юзага чиқариш учун эса ҳаракат, интилиш, истак даркор. Кўрик-танлов иштирокчилари масъулиятли соҳа эгаси бўлган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари. Бироқ ушбу танлов сабаб, улардаги ўзига хос иқтидор юзага чиқди. Ушбу шартга майор Баратовлар оиласи янада топқирлик билан ёндашди. Саҳнага Соҳибқирон Амир Темур ва Сароймулкхоним қиёфасида чиққан хонадон соҳиб ва соҳибаси саркарда бобомизга бағишланган саҳна кўринишидан парча ижро этишди. Бунда асрлар оша талқин этиб келинаётган, таърифи бетакрор бу улуғ инсонлар ўртасидаги меҳр-муҳаббат, уларнинг ҳамжиҳатлиги, бир-бирига меҳрибонлиги, фарзандлар келажагига эътибори талқин этилди.

ҲАЯЖОНЛИ ДАҚИҚАЛАР ОСТОНАСИДА

Тадбир давомида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Саида Раметова сўз олиб, барча иштирокчиларни – Халқаро оила куни билан қутлаган ҳолда, ўзининг илиқ фикрларини билдириб ўтди. Санъаткорнинг ўзбек хонадони, унинг нуфузи, анъаналарга садоқати, оқибатли ўғил-қизлари ҳақидаги дилга яқин сўзлари қўшиққа уланди.

Кўрик-танловнинг байрамона, кўтаринки руҳда ўтишида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли санъаткорларининг қўшиқ ва рақслари катта аҳамият касб этди. Ниҳоят, барча орзиқиб кутган, ҳаяжонли дақиқалар етиб келди. Яъни, танлов ғолибларини эълон қилиш онлари. Аслини олганда, «Намунали ҳарбий оила» кўрик-танловининг республика босқичига сараларнинг сараси етиб келган. Шу боис уларнинг иқтидори, зеҳну заковати бир-биридан катта фарқ қилмайди. Ғолибларни эълон қилишдан аввал сўз олган ҳайъат раиси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси эксперти Жамила Шермуҳамедова ўз фикрларини қуйидагича изоҳлади:

– Ҳарбий оилаларнинг ҳар бир чиқиши, ўзаро беллашувларини катта қизиқиш, ҳаяжон билан томоша қилдик. Маънавий соғлом оилаларнинг Ватан тараққиёти, юрт равнақида алоҳида ўрни бор. Бундай оилаларда юртпарвар, фидойи инсонлар улғаяди, марду майдон ҳимоячилар вояга етади. Бугунги танловда мана шундай оилаларнинг муносиб вакиллари ўз иқтидорларини юзага чиқариш билан бирга, маънавий комилликларини ҳам тўлиқ намоён этишди. Мен бу оилаларнинг барчасига тасанно айтиш билан бирга, чексиз ҳурматимни изҳор этаман.

Шундай қилиб, «Намунали ҳарбий оила» кўрик-танловининг республика босқичида биринчи ўрин кичик сержант Жамшид Ҳусаинов оиласига насиб этди. Иккинчи ўринни Шимоли-ғарбий ҳарбий округ вакили сержант Пердебай Қайпназаров ҳамда Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ вакили майор Арслонбек Баратовлар оиласи эгаллашди.

Учинчи ўрин эса Шарқий ҳарбий округ вакили сержант Сарвар Ғаниев оиласига берилди.

Танлов ғолиблари ва иштирокчиларга Мудофаа вазирлигининг диплом ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Тадбир сўнггида Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлими бошлиғи Ойнисо Нодировани суҳбатга тортдик.

– Давлатимиз раҳбарияти, Мудофаа вазирлиги томонидан ҳарбий оилаларга ҳар томонлама эътибор кўрсатиб келинаяпти. Бундай ғамхўрликни ҳар қадамда кузатиш мумкин. Ушбу кўрик-танлов ҳам шу эътиборнинг кичик бир намунасидир. Бундай тадбирлар ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига, маънавий томондан юксалишига хизмат қилади. Ишонаманки, бундай танловлардан сўнг, намунали ҳарбий оилалар сафи янада ортади. Анъанавий кўрик-танлов ўзининг ғолибларини кашф этаверади.

Ушбу тадбир ҳақида танлов иштирокчилари, ғолиблар, меҳмонлар ҳам ижобий фикрлар билдириб ўтишди.

Ҳа, оилани муқаддас деб билган, унинг шаъни, мустаҳкамлиги учун курашадиган кишилар доимо бор бўлсин. Уларнинг оиласидан бахт ва қувонч аримасин. Бу борада ҳарбий оилалар намуна бўлсинлар.

Тиниқ бўлса, тинмаса
изингдаги ирмоғинг.
«Болам» деса куйдирса,
қўрлар тўкса дудоғинг.
Ёнингдан ўт олиб
ёниб турса чироғинг,
Уйида бахти борлар
ҳар ерда бахтиёрдир.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

ҚАЙҒУЛАРДА СИНАЛГАН БАХТИМ

(Ҳикоя)

Эрта баҳорнинг булутли тонги. Тунда рўй берган мудҳиш воқеадан Ҳотамтой аҳли ғафлатда қолди. Қишлоқ оёққа қалқиганда эса кеч бўлганди. Оила бошлиғи Машрабжон ака ва аёли Малоҳатнинг жонига қасд қилганлар аллақачон ғойиб бўлган, оиланинг ягона фарзанди Солиҳа қўшни аёллар қуршовида карахт ҳолатда турарди.

– Яхшиям қизгина дугонасиникида экан. Бўлмаса унинг ҳам умри бевақт хазон бўларди.

– Шуни айтинг қўшни. Бундай ноинсоф одамларнинг қўлидан ҳамма нарса келади. Уни Худонинг ўзи асрабди, – кўзларида ёш билан бош чайқаб ўзаро шивирлашарди қўшни аёллар.

– Ҳой Турдихон, Солиҳанинг кийимларини алмаштирсаларинг-чи, – маҳалланинг катта онахони Донохон аянинг «ўзларингни қўлга олинглар», қабилидаги бу буйруғи аёлларни сергаклантирди.

Ота-онасининг жасадига ёпишиб кийимлари қонга беланган қизни икки жувон қўшни хоналардан бирига олиб ўтишди.

Бу оиланинг водийнинг чет қишлоқларидан бўлган Ҳотамтойга кўчиб келганига йигирма йилдан ошган. Бироқ шу кунга қадар уларнинг авлод-аждодлари, асли қаерлик эканликлари ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса билмасди. Кимдир «Малоҳатхон Самарқанд томонларни кўп гапирарди, улар шу томондан бўлса керак», дея фикр билдирса, маҳалладошлардан яна бири «Йўқ, улар менимча Хоразмдан. Аждодлари Хива хонларига яқин инсонлар бўлганлиги қулоғимга чалинганди», деган гапни такрорларди. Ҳатто, эр-хотиннинг ҳужжатлари орқали ҳам буни аниқлаш имкони бўлмади. Авлоднинг ягона давомчиси Солиҳа эса ота-онасининг ўзаро қариндош эканликлари, катта бобоси Мирзакарвон номи билан юртга танилган, ўта бадавлат инсон бўлганлигини биларди, холос. Қандай воқеа юз берганки, ўзаро амакивачча бўлган ота-онасининг авлодлари қаттиқ тазйиққа учраб сирли равишда бутунлай йўқ қилинган. Ўша даврларда уч-тўрт яшар бўлган Машрабжон ва Малоҳатни авлодга содиқ инсонлардан бири яшириб улгурган, исми-шарифини ўзгартириб катта қилганди. Бироқ бу воқеалар оилада қаттиқ сир сақланар, ўзаро суҳбатларда ҳам бу мавзу деярли тилга олинмасди. Солиҳадан қариндош-уруғлари ҳақида қанча суриштиришмасин, у ҳам бу сирни ошкор қилмасликка қарор қилди.

Эр-хотиннинг таъзиясига маҳалла аҳли бош бўлди, ҳотамтойликлар меҳрини қозонган бу камсуқум ва камтар инсонларнинг маракалари эътибор билан, барча қонун-қоидаларга риоя қилинган ҳолда ўтказилди. Бу дамлар Солиҳа учун ниҳоятда оғир эди. У уйларини тинтиб нимanидир излаган ота-онаси қотилларининг мақсадини англагандай эди, гўё. Хаёлида ушбу машъум воқеа содир бўлишидан бир ҳафта аввал дадаси билан бўлган суҳбат жонланди.

– Менинг она қизим эртага ўн етти ёшга тўлади, – Солиҳани пешонасидан ўпиб, елкасидан қучди Машрабжон ака. – Қара, бир пасда кап-катта қиз бўлиб қолибсан-а. Яқиндагина бўйнимга миндириб олиб, эркалатиб ўйнатиб юрардим. Энди бўлса ҳадемай мактабни битирасан. Институтга кириш учун тайёргарлик кўраётганлигингдан аянг иккаламиз хурсандмиз. Ҳозир эса сенга айтадиган бир муҳим гапим бор.

Машрабжон ака шундай деди-да, Солиҳага кутиб тур, ишорасини қилиб ичкари уйга йўналди. У бир оз ҳаяжонда эди. Қизгина ичкаридан дадаси кўтариб чиққан катта кумуш баркашни кўриб ҳеч нарсага тушунмади. Чунки у эсини танибдики, токчадаги чинни лаганлар қаторида турувчи бу баркашдан гоҳ-гоҳида нон қўйиш учун фойдаланишарди.

– Қизим, ота-боболаримизни ўта бадавлат бўлганлигидан хабаринг бор, – вазмин гап бошлади Машрабжон ака. – Бу бойлик изсиз йўқолиб кетмаган. Мана бу баркашдаги чизгиларга бир қарагин.

Солиҳа катта кумуш лаганга ўйиб ишланган йўллар, адирликлар, дарахтлардан иборат табиат манзарасига термулди.

– Агар яхшилаб эътибор қилсанг, бу ерда жой номлари ҳам ёзилганлигини англайсан, – сўзида давом этди, дадаси. – Фақат бу номларда ҳарфлар ўрни алмашган. Қандай ўқиш лозимлигини ҳозир сенга кўрсатиб бераман. Энг асосийси, адирлик қўйнидаги булоққа эътиборингни қарат. Шу булоқ ўрнида аждодларимизга тегишли катта бойлик яширинган.

Солиҳа бу гаплардан лол ва ҳайрон эди. У дадаси айтиб берган эртакнамо ўтмиш воқеаларини тинглар экан, ота-онасининг водийга кўчиб келиш сабабларини илк бора англаб етганди, ўшанда. Кўз олдидан туялар карвонию адирликлар нари кетмасди. Дадасидан нима учун шу кунга қадар бу беҳисоб бойликка эга бўлмаганликларининг сабабини сўраганида:

– Шўролар даврида бунинг имкони бўлмади, қизим, – хўрсиниб жавоб берди Машрабжон ака. – Бундай мерос у ёқда турсин, арзимас нарса билан ҳам айбдор бўлиб қолишинг ҳеч гап эмасди, у замонларда. Айниқса, бизнинг авлодимизни таг-томири билан қуритишга ҳаракат қилганлар. Мустақилликка эришганимизга мана тўрт йил бўлаяпти. Энди ҳаракат қилиб кўрсак бўлади. Кейин бу меросдан кўплаб савобли ишлар қилишни режалаштириб қўйганман. Бу ҳақда сен билан алоҳида суҳбатлашамиз. Сенга айтмоқчи бўлган яна бир асосий гапим, баркаш орқасида аждодларимиз шажараси ёзилган. Фақат, уни ҳам мен ўргатган услубда ўқисанг тушуниб етасан.

Дадаси унга қалбининг тубида неча йиллардан буён авайлаб келаётган бу сирни айтгач, анча енгил тортганлигини ҳис қилиб турарди, Солиҳа. Шу билан бирга унга тайинланмаган бўлса-да, аждодлари авайлаган бу синоат энди унинг учун ҳам жон қадар омонат эканлигини англаб етганди. Машрабжон ака эса иродали ва ақлли қизига ўзига ишонгандек ишонар, ўз навбатида унга суянишни истарди…

Мана, бир ҳафтадирки, Солиҳа ён қўшнилари Муқаддас опанинг хонадонида. Бу оқила аёл имкон қадар қизни ёлғиз қолдирмасликка ҳаракат қилар, ҳаёт синовларининг минг бир чиғириқларидан омон чиққан инсонлар ҳаётидан сўзлаб, унга далда берарди. Аслида, оиланинг ўртанча фарзанди Сарвар билан Солиҳа ўртасида муҳаббат туйғулари уйғонган бўлиб, бундан иккала хонадон катталарининг ҳам хабари йўқ эмасди. Яъни, бу севги риштасига хайрихоҳ эдилар. Солиҳанинг ҳаётидаги фожиалардан сўнг унинг ягона таянчи Сарвар бўлиб қолганди. Бироқ, йигит пойтахтда, олий ўқув юртида таълим олаётганлиги сабаб, ҳамма вақт ҳам унинг олдида бўлолмасди. Муқаддас опа ва турмуш ўртоғи Ғайрат аканинг мақсади эса Солиҳа бир оз ўзини қўлга олгач, икки ёшни уналштириб, элга билдириб қўйиш эди. Чунки эл оғзига элак тутиб бўлмайди, деганларидек бир-бирига кўнгил қўйган йигит-қизнинг бир хонадонда яшаши қишлоқ аҳлига у қадар хуш кўринмасди.

Орадан маълум вақт ўтиб, Солиҳа мактабдаги ўқишини давом эттирди. Битирувчи синф бўлганлиги учун имтиҳонларга тайёргарлик кўриш билан ўзини чалғитишга ҳаракат қиларди. Гоҳида мактабдан ўзларининг кимсасиз ҳовлиларига кириб келар, баланд айвон остидаги сўрида ўтириб тўйганича йиғлаб оларди. Гоҳида эса ота-онасининг суратини бағрига босганича узоқ хаёл суриб ўтирар, кўксини эзаётган аччиқ айрилиқ ва соғинчни шу билан енгарди, гўё. Муқаддас опа Солиҳанинг бу одатини тушуниб қолганлиги учун унга далда бериб, елкасидан қучганича уйларига олиб чиқарди. Шунингдек, бу ҳовлини ҳам қаровсиз қолдирмасликка ҳаракат қиларди. Малоҳат опа яхши кўрган гулу райҳонлар Муқаддас опа сабаб яшнаб турарди.

Солиҳанинг қўлига етуклик шаҳодатномаси теккач, Сарвар уни институтга ҳужжат топширишга кўндирди. Қиз бунга руҳан тайёр бўлмаса-да, атрофидаги меҳрли инсонларнинг далдаси билан Тошкентга йўл олди…

– Хўш, бизнинг бўлажак талабамизнинг кайфиятлари қалай? – қўлида пакет билан хонага кириб келди Сарвар.

Мук тушиб олиб китобга термулиб ўтирган Солиҳа бошини кўтарди.

– Сарвар ака, мендан ҳеч қачон талаба чиқмаса керак, – унинг кўзларида жиққа ёш эди. – Ҳеч нарсага улгура олмаяпман.

– Ундай дема, сен иродали қизсан. Ота-онанг ўқимишли бўлишингни қанчалар исташарди. Ҳозир фақат имтиҳон тўғрисида ўйла. Мана кўрасан, ҳаммаси яхши бўлади, – йигит унинг қўлларини кафтлари орасига олиб маҳкам сиқиб қўйди. Бу унинг мен доим сен билан биргаман деган изҳори эди.

Бахтга қарши Солиҳага омад кулиб боқмади. У қишлоққа қайтиб, Муқаддас опалар хонадонида яшай бошлади. Баҳорга чиқиб ота-онасининг йили ўтгач, икки ёшнинг тўйи бўлиб ўтди. Гўзал келинчакка айланган хушрўй ва хушқомат Солиҳа битмас айрилиқ азобларини бағрига босганича турмуш остонасига қадам қўйди. Вақт дардга даво, деганларидек, у энди ўзини анча тутиб олганди. Институтга киришга ҳам астойдил тайёргарлик кўра бошлади. Бунга бағрикенг ва меҳрибон қайнона-қайнотаси ҳам рози бўлишди. Шу билан бирга отаси Машрабжон аканинг орзусини тезроқ амалга оширишни истарди, у. Бироқ авлодларга тегишли сирли бойлик ҳақида Сарварга қандай сўз очишни билмасди, фурсат кутарди. Лекин бу давлат унинг ҳаётини яна қанча андуҳлар билан синовдан ўтказишини хаёлига ҳам келтирмасди.

Ёзнинг дастлабки ойида Солиҳада ҳомиладорлик белгилари кўрина бошлади. У фарзандли бўлиш бахтини ўйлаб бир томондан қувонса, иккинчи томондан доимий кўнгил айниш ҳолатию ҳолсиз вужуди билан бу йил ҳам ўқишга кира олмаслигини англаб турарди. Юрагининг бир бурчагидан эса қоронғулик, нимадандир хавотирланиш нари кетмасди.

– Ўқишга қизиққан одамга илм олишнинг эрта-кечи йўқ, – унинг хаёлидан кечаётган изтиробни сезиб кўнглини кўтарди Муқаддас опа. – Худо хоҳласа сиртдан бўлса ҳам ўқиб, илмли бўласан қизим. Неварамга ўзим қараб тураман.

– Онамдек меҳрибонсиз, аяжон. Бу яхшиликларингизни асло унутмайман, – қайнонасининг елкасига бош қўйиб, кўз ёшларини тия олмади Солиҳа.

– Ундай дема, қизим. Сен ҳам фарзандларимиз қаторидасан. Биз ота-оналик вазифасини бажараяпмиз, холос, – рўмолининг учи билан унинг кўз ёшларини артди Муқаддас опа. – Жон болам, фақат кўз ёшингни кўрмайин. Бу нарсанинг ҳосияти ёмон. Энди ўз оиланг, уйинг бор, шукр қилиб яшашинг керак.

– Шу кунларда ота-онам жуда кўп тушимга киришаяпти. Нимадандир хавотирга ўхшашади, – йиғидан аранг ўзини босиб жавоб қайтарди Солиҳа.

– Шунга диққат бўлиб юрибсанми? Ҳомиладорликни бир оз оғир кўтарганингга тушинтга киришаётган бўлса ажабмас. Буни ёмон ўй билан кўнглингга олмагин-да, уларни ҳам безовта қиласан.

Бир нуқтага тикилиб ўтирган Солиҳа қайнонасининг насиҳатларига сиз ҳақсиз деган маънода аста бош қимирлатиб қўйди.

Ота бўлаётганидан боши осмонда Сарвар йигирма кун, узоғи билан бир ой деганда гўзал ёрининг қошида бўларди. Пойтахт билан водий ўртасида анчагина масофа бўлишига қарамай, йигит севимли ёри учун ҳар қандай меҳрибонликка тайёр турарди. У ёзги таътилга келганида ота-онасининг рухсати билан бир ой Солиҳаларникида туришди. Кимсасиз ҳовлига яна ҳаёт қайтганидан қизгинанинг боши осмонда эди. Уйларига нур киргандек эди, гўё. Шундай кунлардан бирида у аждодларига тегишли яширин хазина тўғрисида Сарварга гапириб берди. Бу синоатни эшитиб узоқ ўйга толган Сарвар:

– Ота-онангнинг қотиллари ҳам озми-кўпми бу сирдан хабардор бўлишган, менимча, – дея юзланди Солиҳага. – Улар ҳалигача аниқлангани йўқ. Нима учун бу ҳақда ички ишлар ходимларига гапириб бермагансан? Балки ўша маъмурлар топилган бўлармиди.

– Дастлаб мен бунга тайёр эмасдим, – ўша кунлар ёдига тушиб бир зумда кўз ёшлари юзини ювди Солиҳанинг. – Кейин терговчи мендан айнан шу сирли бойлик тўғрисида сўраётгандек туюлаверди. Шунинг учун бу сирни маълум вақт асрашга қарор қилдим. Ўйлаб қарасам, бу ҳақда аввало энг яқин кишимга айтишим лозим эди. Мана, бундан сиз хабардор бўлдингиз.

– Дилингни оғритган бўлсам кечир. Балки, мен ноҳақдирман, – йиғидан титраб турган Солиҳани бағрига босди Сарвар. – Сенга ҳозир сиқилиш умуман мумкин эмас. Кейин бу жуда жиддий масалага ўхшайди. Чуқур мулоҳаза билан иш юритиш керак. Аввало, сен ўзингга эҳтиёт бўл. Бу қотилликка қўл урганлардан ҳамма нарсани кутса бўлади.

Сарвар шу куни минг хил хаёллар оғушида тонг оттирди. Қишлоқдаги ҳар бир хонадон эркагини бир-бир хаёлидан ўтказди. Маҳалладоши Шокир ёдига тушганида кўз олдида уларникига ўтган йили чет элдан меҳмон бўлиб келган икки қариндоши жонланди. Бири олтмишларга яқинлашган бўлса-да, жуда тетик ва чайир эркак, иккинчиси йигирма беш ёшлардаги гавдали, нигоҳи ўткир йигит эди. Улар бу онлада бир ҳафтадан зиёд меҳмон бўлишган, қишлоқ одатига кўра бошқа хонадонларга ҳам меҳмондорчиликка таклиф қилинишган эди. Сарварнинг хаёлидан шу икки хорижлик нари кетмади. Таътили тугагунга қадар улар тўғрисида Шокирдан тўлиқроқ маълумот олишни мақсад қилди. Лекин бу тўғрида Солиҳага ҳеч нарса демади…

(Давоми бор).

Зулфия ЮНУСОВА.

ТУРФА ОЛАМ

ЭНГ УЗУН ЛИМУЗИН

Кейинги йилларда юртимиз пойтахти ва катта шаҳарларида «Лимузин» туркумидаги чиройли, узун автомобиллар кўпайиб қолди. Улардан асосан никоҳ маросимларида фойдаланиш урф бўлгани ҳам сир эмас. Бу ажойиб машиналарнинг ҳар гал янгисини кўрганда, енгил машина ҳам шунчалик узун бўладими, дея бир зум ҳайратланиб қоласиз.

Дунёдаги энг узун лимузин калифорниялик автомуҳандис Жей Орберг томонидан ихтиро қилинган ва лойиҳалаштирилган. Ушбу транспорт воситасининг узунлиги 30,5 метр ва у ана шу натижа билан Гиннеснинг «Рекордлар китоби»га киритилган.

26 ғилдиракли бу машина кўп функцияли машина ҳисобланади. Худди метро поездига ўхшаб, у ҳам иккиталик ҳайдовчи кабинасига эга: бири олдинда, иккинчиси орқада. Ахир бу автомобилни орқага буриб олиш учун кўча қанчалик кенг бўлиши керак эканлигини тасаввур қиляпсизми? Шу боис уни бошқариш учун махсус ўқитилган ҳайдовчиларни жалб этиш кўзда тутилган.

Аслида у кўргазма экспонати сифатида ишлаб чиқарилган эди. Аммо автомобиль соҳиби уни турли тадбирлар учун ижарага бериши мумкинлигини айтган.

Лимузин салони шинам ва гўзал ишланган бўлиб, унда йўловчи учун барча қулайликлар: замонавий турдаги маиший жиҳозлар, йўлдошли алоқа қурилмаси, ҳатто сузиш бассейни ва ётоқхона мебеллари ҳам мавжуд.

УЧ ОЁҚЛИ ВА БИР КЎЗЛИ ТИМСОҲ

Америкaнинг Флорида штати қирғоқларида шу пайтгача учрамаган ғалати жонивор – уч оёқли ва бир кўзли аллигатор (Америка ва Шарқий Осиё тимсоҳи) топилди.

Тимсоҳни биринчи бўлиб Индиана штатидан келган сайёҳ Брук Ренье кўриб қолган ва тезда полицияга хабар берган. Тимсоҳнинг узунлиги бир ярим метр бўлиб, жуда ҳам ювош. Аммо унинг қирғоқда қандай пайдо бўлиб қолгани номаълумлигича қолмоқда. Флорида ҳудудида топилган барча аллигаторлар ҳам бу галгисидек ювош бўлмаган. Маълумотларга қараганда, 1938 йилдан буён бундай тимсоҳларни қўлга олиш вақтида 20 нафардан ортиқ киши қурбон бўлган.



М. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлаган.

ҚАЛАМПИР ЕЙИШ БЎЙИЧА... ЧЕМПИОН

Ҳиндистоннинг Ассам штатида яшовчи Анандита Дута Тамули аччиқ қалампир ейиш бўйича ўзига хос рекорд ўрнатди.

29 ёшли бу аёл бирданига 51 дона энг аччиқ гармдорини паққос туширди. Қалампирлар ейилишини Британиядаги таниқли пазандачилик шоу дастури бошловчиси Гордон Рэмси ва унинг суратга олиш гуруҳи кузатиб турди. Тамулининг айтишига кўра, аввалроқ, яъни 2006 йилда 60 дона қалампирни еб, мамлакатдаги барча гармдорихўрларни лол қолдирган. Бу сафар гармдорилар сонини 60 тадан ошира олмагани учун у ўз ҳаракатидан норози ҳам бўлди. Айтиш жоизки, бу мамлакатда аҳоли томонидан аччиқ қалампирлар жуда кўп истеъмол қилинади. Шу сабабли маҳаллий олимлар томонидан уларнинг янада ўткирроқ турларини кашф қилиш борасида мунтазам изланишлар олиб борилади.

СЛОНЫ ОТЧАСТИ ВОДНЫЕ ЖИВОТНЫЕ

Хоботы у слонов появились когда-то для того, чтобы они могли дышать под водой. Такое предположение еще совсем недавно могло показаться фантастическим, однако теперь новые окаменелые находки подтверждают давнюю догадку палеонтологов: предки крупнейших наземных млекопитающих действительно были хотя бы отчасти водными животными – жили в пресноводных болотах и реках на египетском побережье.

Элвин Симонс (Elwyn Simons) из американского Университета Дьюка (Duke University, г.Дарем, штат Северная Каролина) и его коллеги проанализировали ископаемые зубы Moeritherium, предка нынешних слонов, который жил 37 миллионов лет назад, в эпоху эоцена. Эти зубы характеризуются довольно низким содержанием кислорода-18, что является указанием на водный (пресноводный) образ жизни животного. А уровень изотопа углерода-13 позволяет предположить, что это существо питалось в основном пресноводными растениями.

Правда, полной уверенности в том, что Moeritherium был прямым предком нынешних слонов, пока еще нет. А палеомастодонты, которые наверняка являются прямыми предками слонов, были полностью сухопутными животными на тот момент, когда они появились – приблизительно 30 миллионов лет назад. Никто пока не знает, кем были их предки и какой образ жизни они вели. Симонс надеется, что изотопный анализ других окаменелостей поможет получить ответы и на эти вопросы.

АСАЛАРИ ВЕРТОЛЁТНИ ҚУЛАТДИ

Америкaнинг Висконсин штатида биттагина асалари туфайли ҳудуддаги экинларни чанглаш билан шуғулланаётган вертолёт аварияга учради. Асалари тўсатдан вертолёт кабинасига кириб қолган ва тўппа-тўғри учувчини бориб чаққан. Яхшиямки, ўша пайтда вертолёт атиги 4 фут баландликда бўлган, шу сабабли учувчи омон қолган.

65 ёшли Тэрри Солф клюква (қизил, нордон мева) бутазорлари устида учаётган бўлиб, бу жойларга асаларилар ўсимликларни фаолроқ чанглашлари учун атайин арихоналар жойлаштирилган эди. Қандайдир маънода, вертолёт кабинасига фақат биттагина асалари кириб қолгани учувчининг омади бўлган, акс ҳолда...

Асалари чақиши натижасида оғриқдан учувчининг диққат-эътибори чалғиган, бу эса вертолётнинг кўтариб турувчи винти ерга урилиши учун етарли бўлган.

Солф 30 йилдан буён фақат ана шу вертолётда учар эди ва ҳозирда юз берган ҳодисадан жуда хафа.

ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНЫЕ АТОМНЫЕ ЧАСЫ,

Экспериментальные атомные часы, основанные на одном атоме ртути — в пять раз точнее любой аппаратуры для измерения времени, существовавшей до сих пор.

Последние 50 лет стандарты времени, базировавшиеся на частоте перехода между энергетическими уровнями цезия-133, считались самыми точными в мире. Но ученые NIST предложили еще более качественный подход к измерению времени. Их экспериментальные часы регистрируют переходы между энергетическими уровнями иона ртути, содержащегося в электромагнитной ловушке.

Этот ион генерирует колебания на оптических частотах, которые намного выше микроволновых, использовавшихся ранее в цезиевой аппаратуре, что позволит делать измерения намного точнее.

Цезиевые часы, созданные в NIST, могут «потерять» не больше одной секунды за 70 миллионов лет непрерывной работы. Преимущество последнего варианта ртутных часов состоит в том, что отстать или «убежать» на секунду они могут только через 400 миллионов лет.

Такое высокоточное измерение времени может пригодиться, например, для синхронизации в системах глобального позиционирования, в телекоммуникационных сетях, беспроводных и межпланетных сообщениях. Что касается более «земных» приложений, то ртутные атомные часы могут найти применение в сфере безопасности или медицине.

Но эти измерения можно использовать еще в одной области, которая очень интересует физиков: их давно занимает вопрос о том, изменяются ли фундаментальные константы со временем, и ответить на этот вопрос можно только с помощью высокоточных измерений.

TV ДАСТУР

25 МАЙ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 «Изҳор».
7.10 ТелеТеатр: «От йиғлаган томонда».
7.50 «Олтин мерос».
8.00 «Таҳлилнома».
8.40 «Робин Гуд». Т/с.
9.20 «Маънавият» дастури.
10.20 «Болалар дунёси».
10.40 «Тандир нон». М/ф.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Йигит кўнгли». Т/с.
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Диёрим табиати».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Янги ўқувчи». В/ф.
13.35 «Қизиқарли математика». М/с.
14.00 «Ахборот».
14.15 «Ватанпарвар».
14.55 «Олам ва одам» дастури: «Ер сайёраси».
15.45 «Бир кун».
16.15 «Аждодлар мероси — келажак пойдевори». 1-қисм.
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Ҳаёт ва қонун».
17.35 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 Миллий сериал: «Бобур».
18.50 «Очун».
19.00 «Сўнгги қўнғироқ».
19.20 «ТВ-шифокор».
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «Йигит кўнгли». Т/с.
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.00 «Ахборот».
21.30 «Парламент вақти».
21.50 «Робин Гуд». Т/с.
22.40 «Иқлим».
22.50 «Олам ва одам» дастури: «Ер сайёраси».
23.50 «Ватанпарвар».
00.30 «Аждодлар мероси - келажак пойдевори». 1-қисм.
01.00 «Ахборот» /рус/.
01.30 «Юртим бўйлаб» дастури: «Диёрим табиати».
01.40 «Чемпион».
02.00 «Маънавият» дастури.
04.00 «Ахборот».
04.30 ТелеТеатр: «От йиғлаган томонда».
05.10 «Икки дарё оралиғида».
05.30 «Очун».

ЁШЛАР

14.55 «Yoshlar» саломи».
15.00 «Камолот».
15.10 «Бугундан эсдалик».
15.30 «Тошканди азим».
15.35 «Афросиёб афсонаси».
15.55 «Қишлоғимга хат».
16.00 «Давр».
16.10 «Афсона ва ҳақиқат».
16.30 «Ўзбегим».
16.50 «Тошкент таронаси».
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 «Мароқли математика».
17.20 «Троллар ўлкаси». М/ф.
17.40 «Илҳом қанотлари».
17.45 Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Қишлоқ ва таълим».
17.55 «Ўзбек адабиёти».
18.00 «Тафаккур чироғи».
18.10 Миллий сериал: «Ҳаёт сабоқлари».
18.50 «Тошкент—2200».
19.00, 22.00 «Давр».
19.30 «Ўтирланган орзу». Т/с.
20.20 «Автопатруль».
20.40 Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига: «Шарқ гавҳари».
21.00 «Шамоллар мусаввири». Т/с.
21.55 «Тошканди азим».
22.30 Киноклассика: «Мафтунингман».
23.50 «Юрт тинчлиги».

ТОШКЕНТ

7.25 «Салом, Тошкент!»
8.30 «Бозор кўрмаган йигит». В/ф.
10.00 «Кейт ва Лео». Б/ф.
12.00 «Бир сафда». Х/ф.
Наша страна располагает огромными материальными и духовными ресурсами. Службы противопожарной защиты и спасательных работ в Вооруженных Силах Республики Узбекистан постоянно оснащаются современными средствами пожаротушения, что позволяет личному составу пожарных подразделений успешно вести борьбу с пожарами и обеспечивать надежную противопожарную защиту на вверенных государственных объектах.

Постоянная готовность при пожаре представляет собой высокое требование к уровню пожарно-технической подготовки личного состава, мастерскому использованию пожарной техники и оборудованию при тушении пожаров.

Одними из этих первичных средств являются огнетушители, которые служат для тушения возгораний в зданиях и сооружениях, автомобильной технике, в электроустановках и на других важных объектах.

По виду огнетушащего вещества огнетушители подразделяются на углекислотные, химические, хладоновые, порошковые и комбинированные.

Мы сегодня остановимся на тактико-технической характеристике порошковых огнетушителей марки «ОП».

В порошковых огнетушителях в качестве огнетушащего вещества используются сухие порошки на основе двууглекислой соды различной рецептуры.

Они состоят из корпуса, крышки, запорно-пускового устройства, баллон для рабочего газа, сифонной трубки и трубки подвода рабочего газа.

Порошковые огнетушители наиболее универсальны. Они предназначены для тушения тлеющих материалов, горючих жидкостей, газов и электроустановок, находящихся под напряжением не более 1000 вольт.

Огнетушители порошковые определяются по многочисленным видам ОП-3. ОП-5, ОП-10 и т.д.

Цифры 3, 5, 10 обозначают вместимость корпусов и вес порошка в килограммах.

Масса огнетушителя от 1,0 до 7,4 кг.

Рабочее давление огнетушителя 1,17 (кгс/м2).

Продолжительность подачи порошка от 6–15 секунд.

Длина струи огнетушащего вещества от 3 до 4,5 метра.

Порошковыми огнетушителями рекомендуется оснащать легковые и грузовые автомобили, сельскую хозяйственную технику, противопожарные щиты, гаражи, мастерские, различные здания гостиниц и квартиры.

Нельзя использовать порошковые огнетушители для тушения электронного оборудования, которое может выйти из строя при попадании порошка.

Служба противопожарной защиты и спасательных работ Ташкентского гарнизона напоминает – необходимо быть всегда внимательными и осторожными при обращении с огнем.



Майор Тимур АЧИЛОВ,
начальник службы противопожарной защиты и спасательных работ Ташкентского гарнизона.

ГРИППНИНГ ЯНА БИР ШАКЛИ

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, жорий йилнинг апрель ойида дунёнинг бир неча мамлакатлари аҳолиси орасида «чўчқа гриппи», деб номланувчи касалликнинг тарқалиши кузатилди. Даставвал, Мексика, АҚШ, Канадада, кейинчалик Буюк Британия, Германия, Испания, Франция, Дания, Швейцария, Голландия, Италия, Австрия, Исроил каби давлатларда касалланиш ҳолатлари қайд этилди. Бугунги кунда эса Куба, Австралия, Янги Зеландия, Жанубий Корея ва Хитойга ҳам кириб келди. «Чўчқа гриппи» дунёнинг 30 дан зиёд давлатида кузатилиб, биргина Мексиканинг ўзида 2700 киши ушбу касалликка чалинганликда шубҳа қилиниб, шифохоналарга ётқизилган, шулардан 48 нафари ҳаётдан кўз юмган.

Аввалдан маълумки, «чўчқа гриппи» асосан чўчқалар орасида тарқалиб, айрим ҳолларда одамларга ҳам юқиши кузатилган. Касаллик чақирувчи A H1N1 вируси 1918-1919 йилларда дунёда «испанка» номи билан аталган грипп пандемиясини келтириб чиқарган ва кўплаб одамларнинг ўлимига сабабчи бўлган. 1931 йилда бундай турдаги вируснинг касаллик чақириши америкалик олим Ричард Шоуп томонидан исботланган.

Ўзида парранда, чўчқа ва одам гриппи вирусларининг ирсий ахборотларини сақловчи чатишган (гибрид) A H1N1 вируси ташқи муҳит таъсирига ва зарарсизлантирувчи воситаларга нисбатан чидамли бўлиб, касаллик куз ва қиш фасларида тез тарқалиш хусусиятига эга. Мутахассисларнинг фикрича, одамларда унга қарши ҳимоя қобилияти (иммунитет) ривожланмагани боис, бу ҳолатнинг глобал эпидемияга айланиш хавфи ҳам йўқ эмас. Касаллик хасталанган чўчқа ёки одамлардан ҳаво-томчи орқали улар йўталганда, аксирганда, айрим ҳолларда эса маиший мулоқот мобайнида ҳам юқиши мумкин. Касаллик чўчқа гўштини истеъмол қилганда юқади, деган фикрлар асоссиз бўлиб, маҳсулотларга термик ишлов берилганда вируслар тезда нобуд бўлади.

«Чўчқа гриппи» юққандан сўнг, касаллик белгилари пайдо бўлгунга қадар бўлган вақт, яъни, яширин даври одамларда учрайдиган оддий грипп касаллигининг яширин давридан деярли фарқ қилмайди ва бир неча соатдан 3–7 кунгача бўлган муддатни ташкил этади. Бемор одамда тана ҳароратининг кўтарилиши, томоқ оғриғи, йўтал, айрим ҳолларда эса бўғимларда оғриқ, кўнгил айниши ва қусиш аломатлари кузатилиши мумкин. A H1N1 вируси келтириб чиқарган гриппнинг оддий грипп касаллигидан фарқи шундаки, унинг асоратлар билан ўтиши ва ўлим билан тугаш эҳтимоли юқори.

A H1N1га қарши ҳозирча вакцина ишлаб чиқилмаган. Мутахассисларнинг фикрича, мавсумий касалликка қарши эмлаш «чўчқа гриппи»нинг олдини олишда маълум даражада ижобий натижа беради.

Юртимизда бугунги кунга қадар ҳайвон ёки одамларнинг ушбу хасталик билан касалланиш ҳолати қайд этилмаган бўлиб, даволаш-профилактика муассасаларида A H1N1 вирусининг лаборатория ташҳисоти яхши йўлга қўйилган. Аммо хорижий мамлакатлар билан иқтисодий-ижтимоий алоқалар, фуқароларимизнинг хорижий ўлкаларда бўлиши ёки чет эл фуқароларининг келиши сабаб, касаллик чақирувчи вирусининг республикамиз ҳудудида тарқалиш хавфи мавжуд. Ушбу муаммони ҳал этиш учун, хорижий давлатларга хизмат сафарига ёки саёҳат қилиш мақсадида борувчи фуқароларимиз чўчқа гриппи ва ундан сақланиш йўллари ҳақида етарли маълумотга эга бўлишлари зарур. Хориждан қайтаётган барча фуқароларни, шу жумладан, республикамизга кириб келаётган чет эл фуқароларини чегарани кесиб ўтиш жойлари ва халқаро аэропортлардаги санитария назорати пунктларида тиббий кўрикдан ўтказиш, 7 кун давомида доимий яшаш жойларида тиббий кузатувга олиш, бошланғич клиник белгилар пайдо бўлган ҳолда эса зудлик билан беморларни шифохонага ётқизиш лозим.



Бемор ётган хоналар, фойдаланган жиҳозлар, идиш-товоқлари 1 фоизли хлор эритмаси ёрдамида зарарсизлантирилади. Уй шароитида идиш-товоқларни қайнатиш мақсадга мувофиқдир. Беморни парваришлаётганлар ҳамда тиббиёт ходимлари бир мартали ёки докали махсус ниқоб тақкан ҳолда ишлашлари шарт.

Эпидемик жиҳатдан муҳим объектлар, жумладан, даволаш-профилактика муассасалари, жамоат транспортлари ва одамлар гавжум бўлган ёпиқ бинолларда зарарсизлантириш чора-тадбирларини кучайтириш талаб этилади.

Чўчқа боқиб кўпайтиришга мўлжалланган фермалар, ёрдамчи хўжаликларда ветеринария назоратини кучайтириш, чўчқаларни парваришлашга жалб қилинган ишчиларнинг сонини, бевосита мулоқотини камайтириш лозим.

Шуни таъкидлаш жоизки, нафақат «чўчқа гриппи», балки барча юқумли касалликларнинг олдини олишнинг энг самарали усули, бу шахсий ва жамоат гигиенаси қоидаларига қатъий амал қилиш, аҳоли ўртасида санитария тарғибот ишларини ташкил этиш ва уларни кучайтиришдан иборатдир.

Тиббий хизмат майори Абдуғани ЮЛДАШЕВ,
Мудофаа вазирлиги Санитария-эпидемиология назорат маркази бўлинмаси бошлиғи.

ЖАМИЯТ УЧУН ХАВФЛИ ИЛЛАТ

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида республика Маънавият тарғибот маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ОИТСга қарши кураш маркази ҳамда Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида «Гиёҳвандлик ва ОИТС касаллигининг салбий оқибатлари» мавзуида маърифий тадбир ўтказилди. Тадбирни Маънавият ва маърифат маркази илмий-услубий бўлими мудири Убайдулла Олтинов бошқариб борди.

Инсоният эришган улкан ютуқларнинг санаб адоғига етиш мушкул. Бугун кўп соҳаларда илмий инқилоб юз берди, дейишга ҳақлимиз. Минглаб одамларнинг ёстиғини қуритадиган юқумли касалликларга ҳам инсон чора топди. Афсуски... Бугун ОИВ/ОИТС ҳақида билмайдиган одам топилмаса керак. Мазкур касаллик вируси ўтган асрнинг саксонинчи йилларида аниқланди. Ва эндиликда у дунё муаммосига айланди. Касаллик бир неча хил йўллар билан тарқалиши аниқланган. Булардан энг кўп учрайдигани гиёҳванд моддалар билан боғлиқ.

Гиёҳванд моддалар ва гиёҳвандликнинг жамият учун қанчалар хавфли иллат эканлиги ҳақида Тошкент шаҳар наркология диспансери шифокори Фурқат Баҳромов «Гиёҳвандлик умр заволи» деб номланган маърузасида атрофлича тўхталиб ўтди.

Касалликни даволашдан кўра унинг олдини олиш осон, дейишади мутахассислар. Дарҳақиқат, дунё муаммосига айланган ОИТСнинг олдини олиш ҳам инсоннинг ўз қўлида. Сиз-у биздан талаб қилинадиган биргина нарса – бу соғлом турмуш тарзидир. Республика ОИТСга қарши кураш маркази мутахассиси Майсара Ғозиева «ОИТС профилактикаси» деб номланган маърузасида касалликнинг келиб чиқиши ҳақидаги турли илмий тахминлар, унинг олдини олиш борасида юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ва уларнинг самараси ҳақида батафсил маълумотлар берди.

Бундан ташқари республика Маънавият тарғибот маркази ижтимоий-сиёсий тарғибот бўлими мудири Ҳалима Жуманиёзованинг «Маънавият – аввало покликдир» деб номланган маърузасини ҳам йиғилганлар катта қизиқиш билан тингладилар.

– Мен тадбир сўнггида намойиш этилган «ОИТС – аср балоси» фильмидан таъсирландим, – дейди курсант Мурод Дўсбоев. – Бу фильмни барча тенгдошларим кўришлари ва тўғри хулоса чиқаришларини истардим.

– Гиёҳвандлик тубанлик ботқоғига ботиш эканлигини мутахассис шифокор ҳаётий мисоллар орқали айтиб ўтди, – деб ўз таассуротларини ўртоқлашади курсант Алишер Қаҳҳоров. – Бу биргина инсоннинг муаммоси, деб қараш нотўғри бўлишини мазкур тадбирда яна бир бор ҳис қилдим...

Инобат ИБРОҲИМОВА, «Ватанпарвар» мухбири.

ЖАРАЁН

Военная метрология

С ЭТАЛОННОЙ ТОЧНОСТЬЮ

С отличным настроением встретили недавно свой профессиональный праздник – День метрологии – в воинском коллективе офицера Чингиза Розыбакиева. Военным метрологам есть, чем гордиться – по итогам боевой учебы прошедшего года они стали победителями конкурса на звание лучшей части технического обеспечения. За поддержание высокого уровня боевой готовности войск, совершенствование системы боевой подготовки и воспитательной работы личному составу в торжественной обстановке был вручен переходящий кубок и диплом победителя 2008 учебного года.

Сам факт столь высокой оценки труда военных метрологов говорит об их большом вкладе в укрепление обороноспособности наших Вооруженных Сил. В современных условиях практически ни один образец военной техники не может быть подготовлен к применению, если на нем предварительно не проведены измерения многих параметров и характеристик. От точности и своевременности выполнения этих измерений зависит многое: своевременное и точное обнаружение целей, правильное решение навигационных задач, эффективность стрельбы и многое другое.

При этом требуемые точности отдельных образцов военной техники стали соизмеримыми с точностью исходных средств измерений (эталонов). Да и любая целенаправленная научная и техническая деятельность прежде всего связана с необходимостью получения своевременной и достоверной измерительной информации. Именно поэтому, когда 20 мая 1875 года в Париже была подписана Международная метрическая конвенция, эта дата стала праздноваться мировой общественностью как День метрологии.

Метрологическое обеспечение обороны в соответствии с Законом Республики Узбекистан «О метрологии» относится к сфере государственного метрологического контроля и надзора и носит обязательный характер. Вопросы метрологического обеспечения обороны в Республике Узбекистан совместно решают Агентство «Узстандарт», метрологическая служба Вооруженных Сил, предприятия, учреждения и организации.

Наши военные метрологи в настоящее время располагают солидной эталонной базой, некоторые эталоны приняты в качестве государственных в Республике Узбекистан. На них возложены важные и ответственные задачи по проверке, ремонту и регулировке средств измерений в частях и учреждениях, метрологическая экспертиза и метрологический надзор за состоянием измерительной техники. В коллективе успешно готовят специалистов в области метрологии, ведут целенаправленную рационализаторскую и опытно-конструкторскую работу.

В части немало опытных специалистов, настоящих мастеров своего дела, таких как подполковник Рахматулла Ташеев и старший сержант Мурод Рахметов, награжденных Памятным знаком Министра обороны. Большой вклад в успешную работу всех подразделений части вносят хорошо подготовленные технически инженеры, поверители и ремонтники: майор А. Ниязалиев, служащие Вооруженных Сил Р. Канеев, Б. Абдухамедов, Т. Попова. Многие из них имеют сертификаты метрологического персонала, подтверждающие их высокий профессиональный уровень и требующие от каждого повышенной степени ответственности за выполняемые ими работы.

Здесь гордятся такими специалистами, как ведущий инженер отдела служащая Вооруженных Сил Вера Кузнецова, которая накануне 17-й годовщины Независимости награждена медалью «Содик хизматлари учун».

Подрастает хорошая смена. Молодые офицеры Икромжон Ходжиев, Каюм Курбанов, служащие Вооруженных Сил Инобат Джумаева и Михаил Мудрый успешно осваивают нелегкую, требующую исключительной точности и полной самоотдачи профессию метролога.

В коллективе хорошо понимают, что боевая готовность вооружения и военной техники (ВВТ) в значительной мере зависит от того, в какой мере правильно решены метрологические вопросы, а именно: выбор измеряемых и контролируемых параметров, установление норм точности их измерений, определение состава и характеристик средств измерений и измерительного контроля, обеспечение пригодности этих средств к эксплуатации в войсковых условиях. Эффективность функционирования образцов ВВТ зависит от слаженности работы всех входящих в них устройств, что обеспечивается единством всех измерений, производимых при их изготовлении (модернизации) и эксплуатации.

Для обеспечения вопросов метрологического обеспечения войск они оснащены военной метрологической техникой – образцовыми измерительными приборами, поверочными установками, мобильными метрологическими комплексами, ремонтным оборудованием и средствами измерения различного назначения.

Особая роль в решении метрологических задач отводится военным эталонам, которые воспроизводят и передают точность измерений через образцовые средства измерения метрологических частей всем образцам военной техники и средствам измерений, применяемым в воинских частях. Одновременно с проведением метрологического обслуживания воинских частей Министерства обороны, военные метрологи оказывают метрологические услуги воинским частям других силовых структур, предприятиям и организациям, производящим продукцию оборонного назначения.

В их планах – продолжить работы по модернизации техники и вооружения, повысить качество поверочных и ремонтных работ, провести переоснащение метрологических подразделений самыми современными цифровыми приборами. Ведь сегодня практически каждый военный специалист ежедневно сталкивается с необходимостью производить те или иные измерения. Для грамотного их выполнения требуется хорошая метрологическая подготовка, знание методов и средств измерений, основ метрологического обеспечения военной техники.

Владимир КАЛОШИН.
Фото **автора.**

РЕЖАДАГИ ВАЗИФАЛАР АДО ЭТИЛДИ

Маълумки, Мудофаа вазирининг буйруғига асосан барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларда қурол-яроғ ва техникаларни ёз мавсумида фойдаланиш режимига ўтказиш ишлари кўтаринки суръатда олиб борилиб, режадаги вазифалар адо этилди.

Мазкур тадбирга қадар қисмларда ҳарбий хизматчилар билан бир қатор машғулотлар олиб борилди. Машғулотлар давомида қурол-яроғ ва техниканинг ҳавонинг юқори ҳароратида ишлашини таъминлаш, мавсумий хизмат кўрсатиш, хавфсизлик қоидаларига риоя этиш масалаларига алоҳида эътибор берилиб, ҳарбий хизматчиларнинг билим ва кўникмалари янада оширилди ҳамда посбонлар синовдан ўтказилди. Шунингдек, қурол-яроғ ва техникани ёз мавсумида фойдаланиш режимига ўтказиш бўйича кўргазмали амалий машғулотлар ҳам ўтказилиб, ҳарбий хизматчиларга бу борада етарли билимлар берилди.

– Айни пайтда қисм шахсий таркиби қурол-яроғ ва техникани ёз мавсумида фойдаланиш режимига ўтказиш ишларини якунлаш арафасида, – дейди офицер Маҳмадмурод Примов. – Шу кунга қадар техника ва ёнғин хавфсизлиги, қурол-яроғ ҳамда техникадан оқилона фойдаланиш бўйича назарий ва амалий машғулотлар ўтказиб, посбонларнинг билимларини оширишга ҳаракат қилдик. Қисмда ёз мавсумига ўтказиш ишлари бошлангунга қадар мавжуд нуқсон ҳамда камчиликлар аниқланиб, улар бартараф қилинди. Шунингдек, қурол-яроғ, техника, парк, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш воситалари шайланди.

Бу борадаги ишларни юқори савияда ташкиллаштириш учун қисмда бўлинмаларга техник жиҳатдан ёрдам кўрсатиш мақсадида таъмирлаш бўлинмаларининг куч ва воситалари билан махсус электр жиҳозлар, аккумлятор батареялари ва алоқа воситаларини текшириш, қурол-яроғлар ҳолатини, буғ ва ҳаво клапанларини текшириш ҳамда ёнғинга қарши воситалар таркибидаги баллонлар вазнини тортиш, фильтр ва ҳаво тозалагичларни ювиш, брезентдан тайёрланган буюмларни таъмирлаш, пайвандлаш ва мойлаш каби ихтисослаштирилган постлар ташкил қилинди.

– Мазкур постларда яратилган шарт-шароитлар ишимизни сифатли бажаришимизда муҳим омил бўлди, – дейди жанговар машина командири сержант Шомурод Юсупов. – Албатта, қурол-яроғ ва техниканинг ҳар томонлама созлиги жанговар шайликнинг асосий омилларидан. Шу боис ҳам қўл остимиздагилар билан биргаликда бириктирилган техникаларнинг ҳамиша шай туришини таъминлашга ҳаракат қиламиз.

Офицер Илғор Боймуродовнинг таъкидлашича, шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар, оддий аскарлар – Акбар Сувонов, Дилшод Суяров, Соҳиб Ҳожиев, Собит Қодиров, Аброр Равшанов, автомобилларни бўяш пости бошлиғи сержант Илҳом Акрамов, пайвандловчи шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Дониёр Кўкимов, оддий аскарлар – Икромжон Маннопов, Мансур Эгамов, Нуриддин Шерматов, Дилшод Искандаров кабилар ўзларига бириктирилган қурол-яроғ ва техникани ёз мавсумида фойдаланиш режимига ўтказиш ишларида фаол иштирок этишиб, сафдошларига намуна бўлишди ва қисм қўмондонлигининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланишди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қисм шахсий таркиби бор имкониятни ишга солиб қурол-яроғ ва техникани ёз мавсумида фойдаланиш режимига ўтказиш ишларини юқори савияда олиб боришди ҳамда режадаги барча вазифаларни адо этишди. Бу эса жанговар шайликни янада оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Муаллиф суратга олган.



ТАЪЛИМ

НАВБАТДАГИ БОСҚИЧ ЯКУНЛАНДИ

«Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича энг яхши таълим муассаси», шунингдек, чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича «Энг яхши фан ўқитувчиси» ва «Энг яхши ўқувчи» кўрик-танловининг навбатдаги босқичи якунланди.

Ҳамза темирйўл касб-ҳунар коллежида кўрик-танлов ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими кенгаши, Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси масъул ходимлари иштирок этдилар.

– Биринчи ўринни олганимиздан жуда хурсандмиз, – дейди Ҳамза темирйўл касб-ҳунар коллежи чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиси захирадаги подполковник Ҳусанхўжа Дадаходжаев. – Ўйлайманки, республика босқичида ҳам муваффақиятга эришамиз.

«Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича энг яхши таълим муассаси» кўрик-танловида иккинчи ва учинчи ўринлар Чилонзор тумани 1-Республика тиббиёт коллежи ва Учтепа тумани Тошкент солиқ коллежларига насиб этди.

– «Энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг шаҳар босқичида ўқитувчилар тайёрлаган кўргазмали воситалар, иш тажрибасининг оммалашганлиги, ноанъанавий тарзда дарс ўтиш услуби, билим даражаси ва бошқа муҳим кўрсаткичларга эътибор берилди, – дейди пойтахтимиздаги ўрта мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида фаолият кўрсатувчи чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчилари орасида ғолиб, деб топилган захирадаги подполковник Олимжон Рўзиев.

Республика олимпия захиралари коллежи талабаси Абдужалол Исмоилов чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича «Энг яхши ўқувчи» номига сазовор бўлди. Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг курсанти бўлишни орзу қилаётган йигитнинг билдирган фикрларидан англадикки, у ўз билими ва кучига, ниятининг амалга ошишига астойдил ишонади.

Кўрик-танловнинг республика босқичи иштирокчилари ва совриндорларига Фахрий ёрлиқлар, эсдалик совғалари топширилди.

Ҳамза тумани маданият уйи санъаткорлари томонидан тақдим этилган концерт дастури тадбирга янада файз бағишлади.

Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.
Алишер НАБИЕВ суратга олган.

ШУНҚОРЛАР ШУНҚОРИ «ЁШ ЧЕГАРАЧИЛАР»

Сурхондарё вилоятининг бир қатор ўқув юртлари ва ўрта мактабларида «Ёш чегарачилар» клублари ташкил этилган. Уларнинг барчаси Чегара қўшинлари қўмондонлиги томонидан оталиққа олинган.

Ёшларни ҳарбий хизматга ва олий ҳарбий билим юртларига ўқишга киришга тайёрлашдек эзгу ишга мазкур клублар ҳам ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Клубларда ўқувчи ёшларга ҳарбий хизмат тартиб-қоидалари, жанговар қуроллар ва ҳарбий техника бўйича атрофлича билимлар берилади. Улардан бири Термиз олимпия захиралари коллежида тузилган бўлиб, унга Жўра Ҳайитқулов раҳбарлик қилади. Клубда ўз касбининг фидойилари иш олиб боради. Бунга яқинда бўлиб ўтган «Шунқорлар – 2009» ҳарбий-спорт мусобақалари ҳам мисол бўла олади. Клуб аъзоларидан иборат жамоа мусобақаларнинг нафақат шаҳар, балки вилоят босқичида ҳам ғолиб чиқди. Ўқувчи ёшларнинг ҳарбий ва жисмоний тайёргарлик баҳсларида яққол ажралиб турганлиги «Ёш чегарачилар» клубида фаолият тўғри йўлга қўйилганлигидан далолат. Яна шуни таъкидлаш жоизки, мусобақаларнинг туман босқичларида ғолиб чиқиб, вилоят босқичида қатнашган 7 та жамоанинг учтаси «Ёш чегарачилар» клублари аъзоларидан тузилган жамоалар эди. Шунингдек, Акмал Тиллаев, Барно Норбоева бошчилик қилаётган «Ёш чегарачилар» клубларининг ҳам ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган фаолияти мақтовга лойиқ. Келгусида мазкур клублар аъзоларидан етук Ватан ҳимоячилари, спортчилар етишиб чиқишга ишончимиз комил.

Подполковник М. МАТАЕВ.

В военных училищах

ПОБЕДИТЕЛЬ КОНКУРСА

В минувшие выходные в Ташкентском автодорожном институте (ТАДИ) прошел второй этап республиканской научной олимпиады по специальности «Автомобили и эксплуатация автомобилей, сервисное обслуживание». На нем среди курсантов высших военно-образовательных учреждений первое место занял курсант четвертого курса СВВАКИУ Дамир Рахматуллин.

Начальник цикла устройства автомобильной техники одной из кафедр училища подполковник Мехриддин Орипов уже не первый год приводит к успеху своих курсантов. В этом году помогали наставнику готовить победителя к финалу олимпиады подполковники Шамиль Шахисламов и Андрей Фадеев, а «болело» все родное училище. Ведь для того, чтобы получить ту самую заветную путевку в финал, курсант Д. Рахматуллин стал победителем первого этапа в училище.

Путь к победе в финале вышел для Дамира нелегким. Уже в первом туре, где надо было рассказать о подготовке автомобиля и видах техобслуживания в автосервисах, у него возникли отдельные заминки.

При решении задачи по расчету коэффициента уровня трудоемкости, который используется в ходе текущих ремонтов техники при переводе со второй на третью категорию эксплуатации, наш курсант проявил высокий уровень знаний во всем блеске.

Уверенно отвечал Дамир и на вопросы беседы по вопросам диагностирования автомобилей с электронным блоком управления, четко назвав основные параметры. Вот и при решении тестовых задач представитель училища Министерства обороны не подвел своих наставников, набрав наибольшую сумму баллов.

Папа, Раис Гайнельзянович, и мама, Римма Хабибулловна, с нетерпением ждали сына в гости. И потому были рады вдвойне, когда Дамир привез с собой в отчий дом грамоту за первое место в этой олимпиаде. Младший сын порадовал родителей большими успехами в учебе. Несомненно, эта победа, завоеванная в последний год его учебы в СВВАКИУ, станет прекрасным памятным подарком для благодарных наставников, хорошим ориентиром для младших товарищей по учебе.

В Обращении Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова, посвященном 17-летию образования Вооруженных Сил нашей страны, ставится важная задача: **«Военные училища должны на деле стать ведущими военно-научными центрами Вооруженных Сил по освоению, апробации современных систем вооружения и техники, эффективных методов управления войсками и ведения боевых операций».** Победа курсанта в финале научной олимпиады стала наглядным фактом, свидетельствующим о том, что большая работа по выполнению наказа главы государства в военных вузах ведется в правильном направлении.

Майор Анвар КАСЫМОВ.
Фото **автора.**

На военных кафедрах вузов

ЗАКРЕПИЛИ ПОЛУЧЕННЫЕ ЗНАНИЯ

В одной из воинских частей интересно и познавательно прошли занятия для студентов, обучающихся на военной кафедре Ташкентского государственного технического университета (ТашГТУ).

Так, практическое занятие, проведенное капитаном Ф. Хужаевым, старшим лейтенантом Ю. Куббиевым по теме: «Организации контроля над качеством горючего в войсках», позволило надежно закрепить знания, полученные ими на военной кафедре.

В классе подготовки специалистов (лаборантов) по контролю над качеством горючего в войсках студенты наглядно уяснили цели и задачи контроля над качеством горючесмазочных материалов (ГСМ) в войсках, порядок определения анализа качества горючего при его приеме, хранении и выдаче. Лаборанты служащие Вооруженных Сил Н. Дружинина, Ш. Латипова и Д. Арифджанова показали порядок и основные приемы работы с приборами для проведения контрольного анализа горючего и масла.

Затем студенты сами получили возможность принять участие в практической проверке качества автомобильного бензина АИ-93 и вязкости моторного масла МТ-16п в объеме контрольного анализа.

По ее результатам каждый обучаемый заполнил паспорт качества на автомобильный бензин и вязкость масла.

В ходе занятий студенты наглядно познакомились с самым современным оборудованием служб тыла войск Министерства обороны, применяемым при проверки качества горючего, масел, смазок и специальных жидкостей, используемых как в стационарных, так и в полевых условиях.

Посещение воинской части, знакомство с современными приборами и порядком их эксплуатации произвело на студентов сильное впечатление. Руководство военной кафедры ТашГТУ намерено и дальше в целях повышения качества закрепления знаний и практических навыков у студентов проводить подобные практические занятия в частях и учреждениях Министерства обороны Республики Узбекистан в соответствии с тематическими планами занятий.

Подполковник Ботиржон БЕРКИНОВ, старший преподаватель военной кафедры ТашГТУ.
Фото **майора Камбарали АЗИЗОВА.**

АДАБИЁТ

Эркин САМАНДАР

СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН

(Тарихий романдан парча)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).

46

Исфахондан чиққан Абу Инъомхон тинмай отига қамчи урар, Бақала сари шамолдек еларди.

Уни шошилинч йўлга отлантирган нарса Исфахонда кейинги кунларда рўй берган бошбошдоқликлар. Сонсиз солиқ ва ўлпонлар юки остида эзилган оломоннинг ҳақ талаб этиб майдонга чиққани, ур-сурлар. Пиршоҳнинг уларнинг бошига ёғдирган ўқлари.

Қўшни давлатлар оловга мой сепа бошладилар. Сабабки, Пиршоҳ Бағдод халифасига орқа қилиб, улар билан орани бузган эди. Қўшни султонлар пайтдан фойдаланиб «гердайган ҳукмдор»ни йўқотиш пайига тушдилар. Тездан олди олинмаса, Исфахон қўлдан кетиши аниқ бўлиб қолди.

Абу Инъомхоннинг отга дам бермай келаётгани шундан эди.

47

Султон туш кўрди. Тоғ ораси эмиш. Ўртада жар. Унинг нариёғида оқ сарупога ўранган Шамсулмулк турар. Бериёғида от устида султон. Дили вазирга талпинар, Қорабайирни жар устидан ҳатлатмоқчи, Шамсулмулк суҳбатига етишмоқчи бўлар. Аммо вазир буни истамагандек қўл силтар – орқага қайт, дер. Қорабайир унга бўйсуниб орқага тисарилар. Султоннинг жаҳли чиқар. Қорабайирга қамчи урарди. Шунда ҳам от олдинга юрмас.

Ҳафсаласи пир бўлган султон сайисга оқ отни келтир, деб буюрар. Дарҳол оқ отни келтирарлар. Султон бундан тушиб унга минар. Отни қистаб жардан ҳатлатмоқчи бўлар. Оқ от ҳам жарнинг нариёғига кўз ташлар. Шамсулмулкнинг қайт деган ишорасига бўйсуниб, турган жойида депсинишдан нарига ўтмас. Султон унга қамчи устига қамчи урар. Шунда ҳам оқ от ўрнидан жилмас.

Сўй буни, жаҳл билан қичқирар султон сайисга. Ўз овозидан уйғониб кетар.

Туши ҳақида ўйланар. Отларни орқага қайтариб турган куч недур? Недин вазир кўриниш берару учрашмоққа майл кўрсатмас. Нининг аломати бу?

Кун ёришгач, таъбирчини қошига чорламоқчи бўлди. Аммо бунга эҳтиёж қолмади. Абу Инъомхоннинг хавотир ичида етиб келгани, унинг аламли ҳикояси тушга ўзи таъбирдек эди. Жар бу Бақала билан Панжшир орасидаги масофа, ул томон юришни аллома маслаҳат бермас, аксинча отларни орқага қайтариб турар. Бунинг сабаби эса, Исфахондаги қалтис вазият, уни зудлик ила муҳофаза этиш зарурати бўлса неажаб!

Аммо Ҳиндустонни ташлаб кетмоқлик...

Султон чуқур ўйга толди...

48

Қароргоҳда кенгаш борарди. Султон саркардаларга қулоқ тутарди, Абу Инъомхон Исфахон воқеаларини гапириб, сўнгида дер:

– Ҳаёт денгиз эса Давлат онда бир кема, Ҳукмдор дарға эрур. Ҳукмдор қаён бошлар, кема ул томон кетур. Мени маъзур тутгайсиз, султон, шаҳзода Пиршоҳ кемани бошқармоққа ортуқ қодир эрмас. Они буткул ҳалок этмоғига шубҳа йўқтур. Ўйларменки, зудлик ила Исфахонга отланмоқ даркор, токи шаҳар ўзгалар илгига ўтмасин.

– Исфахон деб Ҳиндустондин кечиб бўлғайми? – деди Жаҳон Паҳлавон. – Уч йилдирки, бул маъвода ўту сув кечурмиз, неки истадик, етиб борурмиз. Энди барин ташлаб кетмоқлик...

Ҳеч ким вазир билан баҳсга кирмади, кўпчилик Исфахон тўғрисида, уни қўлдан чиқармаслик устида сўз юритди. Маликшоҳ бошини қуйи солганча гапга қулоқ тутиб ўтирди. Сўнгги воқеалардан сўнг, сўз қотишга журъати етмади.

Султон кенгашдан ҳукм чиқарди. Исфахон ёрдамга муҳтож. Юриш пайсалга солинур эрса, ул ўзгаларга тобе бўлғай. Бунга асло йўл қўйиб бўлмағай, асло!

Султон Учча, Калор, Хоккар, Садусан ва бошқа қалъаю кентлар, шаҳарларга Жаҳон Паҳлавонни ноиб қилиб қолдиришга, эртагаёқ Исфахон сари отланишга қарор қилди.

49

Сафар олдидан султон Бақала тоғи чўққисига кўтарилди. Ундан ҳинд ерларини узоқ кузатиб турди. Юраги ҳаприқди. Ҳинд эли унга, у ҳиндга ғараз кўзин тикмади. Турку ҳинд бир-бирига мойил бўлди. Аммо айрим султонлар ўз тахтларидан ажраб қолиш ваҳмида ёвузлик йўлига кирди.

Султон Ҳиндустонни бошқа кўрмайдигандай тоғлари, осмонлари, ерларига узоқ кўз солиб турди. Гўё унинг бетакрор манзараларини ўз қалбига нақш айлади. Унинг билан илиқ хайрлашди.

БЕШИНЧИ БОБ

1

Исфахон қозиси Рукниддин Масъуднинг фикрича, ҳаммаси яхши кетаётган эди. Аввало, султон Жалолиддиннинг Исфахонга келиши ўзи яхши бўлди. Қалъада издан чиққан ҳаёт оқими ўзанига тушди. Зўравонларнинг дами қирқилди. Зор-зағон тажовузидан гулшанларини тарк айлаган булбуллар тағин ўз ошёнларига қайтдилар.

Тўғри, бошида султоннинг Исфахонга яқинлашаётганини билганидаёқ Фиёсиддин Пиршоҳ ўз акасидан чўчиб, қалъани тарк этгани он шаҳар ичидаги ва ундан ташқаридаги ғаламислар бош кўтарган. Эгасиз қолган ҳокимиятни қўлга киритмоқчи бўлишган. Қозикалоннинг ўзидан фатво ҳам сўрашган бунга.

Ўшанда қозикалон икки ўт орасида қолгани рост. Лекин асло саросимага тушмаган. Қалъа катхудоларини олиб султон йўлига пешвоз чиққан ва шаҳар калитини ҳамда хазинасини унга топширган.

Нега у шундай қилган эди? Чунки Парвонда ва Синд бўйида Чингиз қурган тузоқларни султон емириб ташлаганини ва Ҳинд элида зафар байроғини тикканини яхши билар, Исфахон унинг қўл остига ўтса, тинчлик ва адолат ўрнатилишига ишонар эди.

Ўйлаганидек бўлди ҳам. Султон ўз инисининг кўнглини топиб, уни Исфахонга қайтарди, қаноти остига олди. Бевошлар ин-инига кириб кетишди. Исфахон эркин нафас олабошлади.

Рўшноликнинг чўққиси султон Жалолиддиннинг тахтга чиқиш маросими бўлган. Исфахон ҳали бундай ҳашамни кўрмаган эди. Жулус муҳташам чодирда, узоқ-яқиндан келган подшолар ва элчилар иштирокида ўтказилгани, хонлар, маликлар, амирлар кафанларини елкаларига илиб байъатга (қасамёдга) келганлари қозикалоннинг ҳозиргидай эсида. Қалъада юзлаган машъаллар ёқилган, карнай-сурнайлар чалинган, базм довруғи узоқ-яқинда оғизга тушган, дўстларни шодумон айлаб, душманларни ҳасад ўтларида куйдирган эди.

Иқбол қуши сарбаланд учган ўшал айёмда Оллоҳ султонга ўғул ато айладиким, отин Менгусшоҳ қўйдилар. Айтурларки, ўғлига отни малика Сангина бегим таклиф айламиш, падари бузруквори султон Жалолиддиндек бурни устида менг (хол) билан туғилди, онингдек шуҳратли бўлгай деб.

Қозикалон шуларни ўйлар экан, чилимнинг хумори тутди шекилли, беихтиёр томоқ қириб, рамазони шарифнинг ҳам кўпи кетиб ози қолганини хаёлидан ўтказди. Бу фикрига муртад ёғий рамазонни, муқаддас айёмда урушлар тўхталишини қайдин билсин, деган гап қўшилди. Бу ўйи бежиз эмас, айни шу рамазонда мўғуллар бостириб келди-да.

Кейинги воқеалар тоши тағинда оғир эди.

Исфахонга яқинлашиб келаётган кўп сонли мўғул қўшинига қарши султон савашга чиққани, ёғийга кўп талафот етказгани қозикалонга ва бошқа аъёнларга маълум. Аммо саваш майдонидан унинг қалъага қайтмагани тааҗжуб. Ундан ҳам ёмони, бир-биридан хунук миш-мишлардир. Кимдир султонни ёғий асир олмиш дер, кимдир султон мардона ҳалок бўлмиш дер.

Жангдан қалъага қайтган саркардалар аниқ бир гап айтолмаслар ёхуд айтабилмаслар.

Хўш, султон тирикми, гар барҳаёт бўлса (қозикалон унинг ҳаётлигига ишонар) ўзи қайда? Қайда?

2

Йигит Малик дер: «Мен ўнг қанотда, султондин йироқда эрдим, боз устига тун чўккан эрди, ўн қадам нарини кўз илғамасди».

«Мен сўл қанотда эрдим, – дер бошқаси, – Султон манглайда (марказда) эрди, ул ёғийни қувиб кетганин кўрдим. Сўғун не бўлди, билмасмен».

Маликшоҳ дер: «Захирада эрдим. Изн бўлди. Қув, ёғийни. Қувдук. Султон кўп олдинда эрди. Ҳаммаёқ талатўп. Кўз узоқни кўрабилгайми?»

Абу Инъомхон барчага далда бермоқ бўлар: «Султон ёғийнинг додин бермиш. Онинг қабатида иниси Пиршоҳ, лак-лак қўшини ила эрди, мўғулни бори шердек босди. Султон, иншооллоҳ, тонг ёруғида нусрат ила Исфахон қайтгай».

Тонг отди, қуёш тикка кўтарилди ҳамки, султондан дарак бўлмади.

3

Гулбегим шу кечаси қўрқинчли туш кўрди. Чуқур хандақ эмиш. Атрофи ялоза (очиқ жой). Унинг тубидан кимнингдир оғир-оғир инграгани эшитилармиш. Ким бўлди бул бечора деб Гулбегим хандақ тубига тикилиб қарармиш. Не кўз билан кўрсинки, султон... Юзларидан қон оқиб ётармиш. Эгнида совути, бошида дубулғаси йўқ. Ўнг елкасини қилич чопган, қон хандақни тўлдириб борармиш.

Бор овози билан султоним, деб қичқирармиш Гулбегим. Султон кўзини очиб унга қарармиш. Қўли ила ишора қилармиш – кет. Гулбегим барибир хандаққа туша бошлармиш, дафъатан оёғи тойиб умбалоқ отармиш-да, дод деб қичқирармиш.

Совуқ қалтироқ ичида уйғониб кетар Гулбегим. Анчагача кучаниб ётар. Унинг безовталигини сезиб, ён хонадан канизак чиқиб келар. Маликани қалин кўрпага ўраб, оёқларини уқалар.

Гулбегим ўз вужудида илиқлик сезиб:

– Тонг отиши ила Абу Инъомхонга одам жўнат, – дер канизакка, – қароргоҳга келсун.

4

Сангина бегим ҳайрон бўлади. Ўғилчаси Менгусхон ҳали бунчалик безовта бўлган эмас. Тинмай йиғлаганийиғлаган.

Кўнгли минг хаёлга бориб дояни чақиртирди бегим. У ҳам ҳайрон бўлиб чақалоқни овутмоққа тушди. Тағин-да бўғилиб чинқира бошлади.

Бир офатни сезяптимикин гўдак...

Нечун султондин ҳануз дарак йўқ? Ўз паноҳингда асра, Худойим!

5

Абу Инъомхон Исфахонни, унинг улуси, айниқса, юқори табақага хос одамлари феъл-атворини яхши биларди. Улуси заҳматкаш. Дангалчи. Аксарияти тилига келган сўзни қайтармас. Аммо зодагонлари, хусусан, мулк эгалари, ҳарбийлари шамол қайси томондан эсишига қараб тусланиб туришар.

Султоннинг қалъага қайтмагани ўша тоифани ғимирлатиб юборди. Бирон хабар топиш илинжида ивирсиб қолишди. Тўғри келган оғизни искаб кўришади. Аниқ гап эшитолмай жонсарак бўлишади. Кимдир ўзича султонни ўлдига чиқаради ва шаҳар бугун-эрта мўғуллар қўлига ўтишини ўйлаб хунпора бўлади, кимдир мол-мулкини олиб иссиғида жуфтакни ростлаш пайига тушади.

Кимлар эса Исфахонга хўжайинлик қилаётган келгиндилар – хоразмликлардан ўч олиш режасини тузади.

Ҳа, бу кайфиятларнинг барини Абу Инъомхон яхши билади. Шу важдан у қароргоҳ муҳофазасини кучайтиради, қалъа соқчилари ва навкарлар сонини кўпайтиради.

Уни чақиртиришдан мақсади ҳам шу эди Гулбегимнинг.

6

Бу ва бошқа хислатларига кўра саркардалар Абу Инъомхонни олдда тутар эдилар. Бунинг бошқа боиси ҳам йўқ эмасди. Абу Инъомхон Жалолиддинга тоғавачча бўлиши баробарида ёши ҳам, тажрибаси ҳам саркардалардан улуғроқ эди.

Ҳозир султоннинг тақдири номаълум бўлган ва қалъани мўғуллар ўраб олган бир шароитда Абу Инъомхон ўз-ўзидан сардорга айланди. Саркардалар унга қулоқ тутдилар. Абу Инъомхон уларга деди: «Султоннинг дарагин тез топмоғимиз ва ёғий ҳалқасин ёриб чиқмоғимиз даркор. Тонг ёриши ила дарвозадин чиқиб, туйқус ҳужумга ўтгаймиз».

Йигит Малик шундин бўлак йўл йўқтур, деди. Аммо Маликшоҳ уларга бош қўшмади. Дедики, дарвоза очилур эрса, ёғий қалъага ёпирилиб кирур, шаҳар қўлдин кетур, йўқ, бўлмас, султонни кутмоқлик лозимдур...

Саркардалар мутаассир бўлдилар. Йигит Малик қизишиб унга сен қўрқоқсен, деди. Маликшоҳ араз тўнин кийди, айтганида оёқ тираб турди.

Ички ғаламислар бош кўтараётгани боисидан Абу Инъомхон қалъада қоладиган, бошқалар ҳужумга чиқадиган бўлишди.

7

Тонгга ҳали анча бор эди. Қўшинлар дарвозадан отилиб чиқди. Абу Инъомхон яхши биларди. Бир зарба ила ёғийни бартараф этиб бўлмас. Ул бисёрдур. Аммоки, унинг шохига уриб турмоқлик лозимдур. Билсинки, султон бордур, онинг лашкари тойилмасдур.

Жон олиб, жон берган аскарларнинг бешикастлари пешинга яқин шаҳарга қайтиб киришди.

Йигит Малик бир мўғулни асир олган эди, у тилга кириб, Жалолиддинни сўнгги марта кўрганини, султон оғир яраланганию учқур отида дам ўтмай кўздан ғойиб бўлганини гапириб берди.

Саркардалар кўнглида умид уруғи ниш урди. Демакки, султон ҳаёт. Аммо у оғир жароҳатланган... Қайларда экан? Аҳволи не кечди экан? Шошилинч чора кўрмоқ даркор.

Кими дарвиш, кими девона қиёфасида янги хабаргирлар, изқуварлар тўпи ҳар сорига йўл олди.

(Давоми бор).

ЭҲТИРОМ

РИЗҚИ УЛУҒ ОТАХОН



Салоҳиддин ота учун йилнинг энг чиройли ойи май. Йилнинг энг муродбахш ойи ҳам май. Май келди дегунча юраги тўлқинланиб кетаверади. Айниқса 9 май... унинг хотиралари кўп. Мана шу май ойида топганлари ҳам, йўқотганлари ҳам кўп. Ахир у иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, ногирони. Душмандан озод бўлган кичиккина қишлоқ ҳам унинг топганлари... Жангда ҳалок бўлган, унга сўнгги сўзларини айтиб кўз юмган қуролдошлари унинг йўқотганлари...кўксида жасоратлари, курашлари эвазига келган орден, медаллари, нишонлари, эл-юртнинг уни ҳурматлаб йўқлаши, мактаб ўқувчилари, невараچевараларининг хотираларингиздан сўзлаб беринг, деб атрофида айлана бўлиб ўтириши – топганлари, 60 йилдан ўтса ҳам аъзойи баданидаги ўқ парчалари оғриқларининг қийнаши, кўзларининг яхши кўрмай азобланиши – йўқотганлари... У кўкка қараб туриб осмоннинг мусаффолигидан энтикади, тинч, хотиржам куплари учун шукур қилишни канда қилмайди. Унинг учун дунёдаги энг катта бойлик юртнинг тинчлиги, заминнинг яшил тортиб гулга бой бўлиши... Чунки у осмонни дуд қоплаган, бомба портлаб замин бағри ёрилган кунлар гувоҳи... Қирғинбарот уруш қатнашчиси...

У 1939 йилда Олтинкўл туманидан, жўралари Мамажон Назаров, Одилжон Йўлчибоевлар билан бирга аскарликка кетганди. Дастлаб бир неча ойлик ўқув машғулотларини ўтказиб, учала жўра уч томонга ажралиб, ҳақиқий хизматни бошлаган эдилар. Салоҳиддин Исақовнинг чекига Львов шаҳри тушган. 1941 йилнинг 22 июнида у Львовдаги ҳарбий қисмда эди...

– Ярим тун эди, – деб хотирлайди ота. – Самолётлар учиб қолди. Ҳамма уйқудан кўз очди. Дастлаб бу бирор ҳарбий қисмнинг ўқув самолётими деб ўйладик. Йўқ, душман самолёти, фашистлар самолёти экан... билсангиз урушнинг биринчи қурбонлари бизнинг қисмимиздан бўлган. Шошилинч чоралар кўриб, аскарларни танкларга ўтқазиб, душманни ёриб, хавфсизроқ масканга ўтадиган бўлдик. Бунинг учун танкларга фашистларнинг белгисини қўйишга мажбур бўлдик, бошқа иложимиз йўқ эди. Барибир душман буни сезди, бир неча танкларимизга бомба ташлади. Ҳар тугул 6 та танкни олиб чиқиб кета олдик. Ҳар бир танкда 8-9 тадан аскар бор эди...

Ота шу ерда хўрсинади, соддагина айвонининг шифтига қараб, бир лаҳза кўз юмиб қолади. Эҳтимол шу лаҳза биринчи кунданоқ ҳалок бўлган қуролдошларини эслади, йўқотганлари ёдига тушди.

Бундай топиш, йўқотишлар билан то 1945 йилнинг январигача қанчадан қанча шаҳару қишлоқларни босиб ўтган Салоҳиддин ота Исақов ўзининг бир жангдаги қаттиқ яradор бўлиб йиқилганини айтганда...

– Қаранг-а, яradор бўлиб йиқилдим, бир пайт кимдир мени кўтарди, гоҳ судраб, гоҳ елкалаб панага олиб чиқди. Ишонасизми, бу ўз юртдошим, олтинкўллик қуролдошим Юсуфжон Қодиров экан. Дўстимдан ҳали ҳануз миннатдор бўламан. Ҳар учрашганимизда қўлимни елкасига қўйиб "халоскоримсан" деб қўяман.

Уруш тугади, аммо унинг аччиқ хотиралари ҳамон қалбида. Келгандан кейин кичиккина тўй қилиб олтинкўллик Сайрамхон деган кўҳликкина қизга уйланди. Тўрт ўғил, икки қизлик бўлишди. Бир қизининг умри қисқа экан. Қолган беш фарзандни меҳнаткаш, ҳалол инсонлар қилиб тарбиялашди. Азиз Ўзбекистонимиз Мустақилликка эришган 1991 йилда кенжа ўғлини ҳам уйлашди. Кенжа келин Каримахон ҳам удли, шудлигина, қайнона, қайнотага меҳрибон чиқди. Воҳ, дунёи бир кам-а. Сайрам буви бир йилгинадан кейин вафот этди. Бу отанинг энг катта йўқотиши бўлди. Шундан буён юзлаб хотиралари қаторига Сайрам буви билан бирга кечирган кунлари ҳам қўшилди.

– Яхши хотираларимдан бири – Андижоннинг Асакасидаги автомобиль заводининг очилиш маросимида Юртбошимиз ёнида туриб тантанада иштирок этганимдир, – дейди отахон. – Лента қирқилиб қарсаклар билан заводга киряпмизу бундай шодиёна учун Оллоҳга қайта-қайта шукур келтирганман.

Бугун Салоҳиддин ота Исақов 92 ёшга тўлибдилар. Аммо сўзидан адашгани йўқ. Хизматида турган кенжа келини Каримахон пиширган таомларни шукур қилиб ейди, ўзингдан кўпайгин деб дуо қилади. Каримахоннинг айтишича, отахон шу йилдангина балиқ овига чиқолмай қолибдилар. Шунгача ҳовлисининг сал нарироғидан оқиб ўтувчи Қорадарёга қармоқ ташлаб, балиқ овларканлар.

– Оқаётган сувга қараб, ям-яшил ўтлоқда ўтириб, хаёл суриб балиқ тутишнинг гашти бошқача. – Ҳаваскор балиқчилар ҳам ҳайрон қолишарди, энг катта балиқ доим менинг қармоғимга тушишидан ўзим ҳам ҳайрон қолардим, – дея ота яйраб кулади.

Буям ризқ-да. Отахоннинг ризқи улуғлиги шундан ҳам кўринса, не ажаб. Беш фарзанди, қирқдан ортиқ невара-чевара, эваралари борлиги, жамланишса қуёшга қараган катта айвонига сиғмай ўтиришлари, ҳовлидаги неча ўн хил мевали дарахтлардаги пишиб турган неъматлар, тандир тўлиб ёпилаётган нонлар, Карима келининг парваришлари, невара-чевараларнинг "опоқдада"си бўлиб дастурхон тўрида ўтиришлари ҳам ризқининг улуғлигидан эмасми. Отахон буларнинг барига шукур қилади. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги" йилидаги эзгу ишлар, тадбиркорларга берилаётган катта имкониятлардан қувонади.

Шуларни ўйлаганимда, аслида отахон каби пиру бадавлат нуронийларимиз борлиги халқимизнинг ризқи улуғлиги, юртимизнинг баракоти деган хулосага келдим. Бугун Олтинкўлда 55 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари қолибди. Уларга ҳар қанча ғамхўрлик кўрсатсак, кўнглини топиб, дуоларини олсак ярашади. Зеро, ёмғир билан ер кўкаради, дуо билан эл кўкаради. Бу ўзбекнинг ўлмас ҳикмати, қадрияти, одамийлиги нишонасидир.

Замира РЎЗИЕВА,
шоира.

ЎТГАНЛАР ХОТИРАСИ АБАДИЙ

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Жиззах вилояти Бахмал туманидаги 3-умумтаълим мактабида таълим даргоҳининг собиқ ўқувчиси, давлат чегараларини қўриқлаш йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлган Қутлуғжон Раҳмонов хотирасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари ҳамда ҳарбий хизматчилар иштирок этди.

Абдуманнон акани қишлоқда барча бирдек ҳурмат қилади. Бу инсон узоқ йиллардан буён мактабда ўқитувчилик қилиб келади. Одатда ўқитувчилик касбини эгаллаган инсонларнинг фарзандлари ҳам барча учун ўрнак бўларли фазилатлар соҳиби бўлиб вояга етишади. Бундай оилада тартибинтизом ва тарбиянинг яхши йўлга қўйилгани ўғилқизларининг ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб камол топишларига, эл-юрт равнақи учун жон куйдирадиган асл фарзандлар бўлиб улғайишларига хизмат қилади. Қутлуғжон мана шундай оилада вояга етди.

Дунёда шундай касб борки, унинг масъулиятини ўз зиммасига олган инсоннинг хизматлари доимо эътирофга сазовор бўлади. Бу касб ҳарбийлик касбидир. Қутлуғжон ҳам масъулиятли ва айни пайтда шарафли касбга меҳр қўйиб, давлат чегараларининг дахлсизлигини ҳимоя қилиш йўлида фидокорона хизмат қилди. Ҳарбий хизматни ўзи учун муқаддас бурч деб билган бу ўғлон қисқа хизмати мобайнида кўп маротаба давлат чегаралари бузилишининг олдини олди. Аммо 2008 йил ноябрь ойида чегара бузғунчилари билан бўлиб ўтган тўқнашув Қутлуғжон Раҳмоновни ҳаётдан олиб кетди.

Жасур йигитнинг сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашда кўрсатган жасорати ва садоқати «Жасорат» медалига лойиқ топилди. Давлат мукофоти унинг оила аъзоларига топширилди.

Тадбир давомида сўзга чиққанлар қаҳрамон чегарачининг хизматда кўрсатган фидойиликлари ҳақида фахр-ғурур билан сўзладилар. Мана шундай мард фарзандни тарбиялаб вояга етказган ота-онасига миннатдорчилик билдириб, уларга ҳурмат бажо келтиришди.

Тадбир ниҳоясида йиғин қатнашчилари қаҳрамон чегарачининг қабрига гулчамбар қўйишди. Бугун Қутлуғжоннинг охирги манзили,чегарачилар ва ўқувчи ёшларнинг доимий зиёратгоҳига айланган. Зеро, ватанпарвар инсонларнинг хотираси абадий, умри эса боқийдир.

Подполковник А. РАЗЗОҚОВ.

СПОРТ

Баскетбол

МҲСК – ЧЕМПИОН!

Баскетбол бўйича эркаклар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатининг сўнгги – IV тур учрашувлари пойтахтимизда бўлиб ўтди. У мамлакатнинг навбатдаги чемпионини аниқлаб берди.

Бу йилги чемпионатда МҲСК, «Самарқанд», Андижон техника университетининг «Андижон», Навоийнинг «Южанин» ва «Южанин-2», Нукуснинг «Қорақалпоғистон», Ўзбекистон миллий университетининг «ЎзМУ», Тошкент давлат техника университетининг «ТГТУ» ва Бухоронинг «Университет» жамоалари ғолиблик учун ўзаро кураш олиб боришди. Дастлабки уч тур учрашувларидан сўнг энг яхши кўрсаткичларга эга бўлган МҲСК ва Навоийнинг «Южанин» жамоалари финал босқичига йўлланма олиб, чемпионлик масаласини ўзаро баҳсларда ҳал қилиши, «ТГТУ» ва «Бухоро» жамоалари учинчи ўрин учун курашиши маълум бўлди.

Чемпионат ўтказиш тартибига кўра IV тур учрашувлари икки жуфтлик беллашувларидан иборат. Чемпион ёки учинчи ўрин соҳиби ана шу жуфтликларнинг ўзаро ўйинларида аниқланади ва у бирор жамоанинг учта ғалабасигача давом этиши белгиланган. Биринчи ўрин учун кечган баҳсда Ўзбекистоннинг кўп карра чемпиони МҲСК беллашувнинг бешта ўйинидан иборат бўлишига имкон қолдирмади. МҲСКнинг тажрибали ўйинчилари Кирилл Гусев, Вячеслав Денисов, Александр Яхин, Ҳурматжон Нуралиев дастлабки учрашувдаёқ ташаббусни ўз қўлларига олиб, навоийликларга ҳеч бир жабҳада имкон беришмади ва жамоасининг 92:58 ҳисобида ғалаба қозонишини таъминлашди. Иккинчи кунги учрашувда армиячилар 30 очко фарқ билан (93:63) навоийликларни мағлуб этишган бўлса, МҲСК жамоасига мамлакат чемпионлигини ҳадя қилган учинчи ғалабада 75:53 ҳисоби қайд этилди.

– Бу, биз учун навбатдаги мавсум тугади, дегани эмас, – дейди МҲСК аъзоси, спорт мухлисларига яхши таниш бўлган машҳур футболчи Геннадий Денисовнинг баскетболчи ўғли Вячеслав. – Олдинда бизни янада жиддий беллашувлар, мамлакатимиз спорти шарафини халқаро майдонда ҳимоя қилишдек масъулиятли синовлар кутяпти. Улардан бири июнь ойида Литвада ўтказиладиган ҳарбийлар ўртасидаги жаҳон чемпионатидир. Август ойида эса Хитойга йўл олиб, 25-марта ўтказиладиган Осиё чемпионатида қатнашамиз. Бу мусобақаларга тайёргарликни ҳозирдан бошлаб юбордик. Машғулотлар белгиланган режа бўйича олиб бориляпти. Халқаро майдонда ҳам мураббийларимиз ва юртимиз баскетбол мухлисларининг ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз.

Биз ҳам МҲСК баскетбол жамоасини мамлакат чемпионатидаги навбатдаги чемпионлик унвони билан табриклаган ҳолда, ютуқлари халқаро майдондаги муваффақиятларга уланиб кетишини тилаймиз.

Р. ЭРМУҲАММАД.

«БИЗ ВАТАННИНГ БЎЛАЖАК ҲИМОЯЧИЛАРИМИЗ»

Мамлакатимизда янги мусобақа – умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасидаги ҳарбий-спорт ўйинларига асос солинди. У «Ботирлар» деб номланади. Мусобақанинг илк биринчилиги «Биз Ватаннинг бўлажак ҳимоячиларимиз» шиори остида ўтказилди.

Юртимизда спортни ривожлантириш, унинг барча турларини кенг оммалаштириш, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни оммавий тарзда спортга жалб қилишга катта эътибор берилмоқда. Бунинг замирида нафақат соғлом авлод тарбияси, балки мамлакат шаъни ва шавкатини дунёга таратадиган етук спортчиларни камол топтириш каби эзгу мақсадлар ётибди.

Ярқ этиб порлаган ёш истеъдодлар ҳар соҳада учрайди. Истеъдодларнинг бир порлаб, сўнмаслиги, чўққилар сари кўтарила бориши учун аввало уларни вақтида англай билиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга имкониятларини намойиш этиш ва ўз устида мунтазам ишлашлари учун майдон ҳозирлаш, зарур шарт-шароитлар яратиб бериш мамлакат спортининг равнақи, тараққиёти сари элтувчи йўлдир. Бу эзгу мақсад юртимизда анъанавий тус олган уч босқичли – «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» мусобақаларида мужассам. Уларнинг қаторига ёшларни Қуролли Кучлар сафларига ва ҳарбий билим юртларига ўқишга тайёрлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган ўрта махсус ва касб-ҳунар таълим муассасалари жамоалари ўртасидаги «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларини ҳам қўшиш мумкин. Энди юртимизда ана шу мусобақанинг «укаси» – мактаб ўқувчилари ўртасидаги «Ботирлар» ҳарбий-спорт ўйинлари пайдо бўлди. Бир қатор вазирлик ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур мусобақанинг мақсади бўлғуси Ватан ҳимоячиларини болалигиданоқ тарбиялаш, уларни ҳарбий-амалий спорт турларига жалб қилиш, қалбларида ҳарбий касбга нисбатан меҳр уйғотиш, истеъдодларни аниқлаб, уларни мақсад сари тўғри йўналтириш, қолаверса «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинларига аввалдан замин яратиш. Мусобақа низомига кўра баҳслар икки тоифада, яъни 5–6 ва 7–9 синф ўқувчилари ўртасида ҳарбий-спорт ўйинларининг 7 тури бўйича олиб борилади.



– 2008–2009 ўқув йилидан бошлаб мактабимиз ўқув дастурига бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Эндиликда ахборот технологиялари, тарих, рус тили ва чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик каби фанлар кучайтирилган тарзда ўқитиладиган янги синфлар мавжуд, – дейди Қибрай туманидаги 18-умумтаълим мактабининг спорт ва чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик синфлари раҳбари Жамшид Худоёров. – «Ботирлар» ҳарбий-спорт ўйинлари биз учун айни муддао бўлди. Чунки ушбу мусобақа сабаб бошқа мактаблардаги ўқитувчилар билан ўзаро тажриба алмашамиз, ўқувчиларимизнинг баҳслардаги қатнашуви бу борадаги ютуқ ва камчиликларимизни кўрсатиб беради. Яна шуни айтишим жоизки, «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақалари ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасалари тизимида ўтказила бошлагач, мактаб ўқувчилари бундай ўйинлардан узилиб қолган эди. «Ботирлар» ана шу бўшлиқ ўрнини тўлдирди. Мен ушбу мусобақанинг келгусида оммавийлашувига ишонаман ва буни жудаям хоҳлайман.

Юртимизда илк марта ўтказилган «Ботирлар» ҳарбий-спорт ўйинларида Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрининг чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитиладиган синфлари мавжуд мактаблар жамоалари қатнашди. Граната улоқтириш, турникда тортилиш, қўл жанги, фуқаро муҳофазаси бўйича эстафета, саф тайёргарлиги, югуриш бўйича ўтказилган баҳсларга мутахассислар билан бирга Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсантлари ҳакамлик қилишди. Мусобақа биринчи марта ўтказилишига қарамай унда спорт тамойилларига тўла риоя қилинган ҳолда ҳар бир йўналишда, ўйинларнинг ҳар бир тури бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Мусобақаларда қатнашган 5 та умумтаълим мактаби жамоаларидан ҳар бири ўйинларнинг қайсидир бир тури бўйича ғолибликни қўлга киритди. Жумладан, «Ботирлар» ҳарбий-спорт ўйинларининг ҳар икки йўналишидаги баҳсларида қатнашган пойтахтимиздаги «Legion Fortis» Тренинг марказининг 319-умумтаълим мактаби, 5, 6-синф ўқувчилари жамоаси ўйинларнинг 4 тури, 7, 8, 9-синф ўқувчилари жамоаси 3 тури бўйича ғолиб деб топилди. Айтиш мумкинки, эзгу мақсад кўзланган мазкур мусобақада ўзаро дўстлик, ватанпарварлик ғалаба қилди. Мусобақанинг ёпилиш маросимида ташкилотчилар, меҳмонлар «Ботирлар» ҳарбий-спорт ўйинларининг истиқболига, мамлакатимизда кенг миқёсда оммавийлашувига умид билдиришди. Ғолибларга диплом ва медаллар, қатнашчиларга турли эсдалик совғалари тантанали равишда топширилди.

Майор Расул ЖУМАЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Аббос УЛУҒХЎЖАЕВ суратга олган.

Юнон-рум кураши

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР КАШФ ЭТИЛДИ

Пойтахтимизда бўлиб ўтган юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон чемпионати баҳсларида МҲСК вакиллари муваффақиятли қатнашишди. Улар чемпионатнинг 2 та «олтин», 2 та «кумуш» ва 3 та «бронза» медалини қўлга киритишди.

Мамлакатимизда спортни оммавийлаштиришга, айниқса болалар спортини ривожлантиришга берилаётган катта эътибор келажакдаги улкан муваффақиятлар учун қўйилаётган пойдевор, мустаҳкам замин эканлиги 1989–1991 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасидаги юнон-рум кураши бўйича мамлакат биринчилиги баҳсларининг шукуҳи, шиддати ва кескинлигида ҳам яққол кўзга ташланди. Чемпионат келгусида халқаро майдонда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладиган ёш истеъдодлар тарбияланаётгани, ўсиб камол топаётганлигини кўрсатди. Мутахассислар чемпионат савиясининг аввалги йилларгагига нисбатан ошганлигини таъкидлашди, бу жойларда юнон-рум курашини ва умуман болалар спортини ривожлантириш борасида жиддий ва самарали ишлар олиб борилаётганини билдиради. Беллашувларда пойтахтликларнинг яққол устунлиги сезилиб турган бўлса-да, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Фарғона, Навоий, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидан келган ўсмирларнинг ғалабага бўлган чанқоқлиги, интилувчанлиги туфайли барча вазн тоифасидаги ҳар бир беллашув кескин курашларга бой бўлди.

Мамлакат биринчилигининг совринли ўринларини қўлга киритиш борасида республика олимпия захиралари коллежи спортчилари пешқадамлик қилди. МҲСК аъзолари ва самарқандлик ўсмирлар уларга муносиб рақобатчи бўлишди. МҲСК вакиллари, айниқса, 66 кг. вазн тоифасида тенгсиз эканликларини намойиш қилишди. Тўрт нафардан рақибини мағлуб этишга муваффақ бўлган Ермахон Мамбетов ва Сардор Қорғдиевлар бу вазн тоифасидаги финал баҳси МҲСК аъзолари ўртасида кечишини таъминлашди. Мазкур беллашувда ўсмирлар ўртасидаги баҳсларда катта аҳамият касб этадиган курашчиларнинг ёши ўртасидаги фарқ барибир ўз кучини кўрсатди – Сардордан икки ёшга катта бўлган Ермахон ғолиб чиқиб, Ўзбекистон чемпиони бўлди. Шу ўринда Е. Мамбетов ютуғининг салмоғи баландлигини эътироф этиш жоиз. Чунки 66 кг. вазнлилар баҳсида бошқа вазнликларга нисбатан энг кўп – 34 нафар спортчи ғолиблик учун ўзаро кураш олиб борди. Бошқа вазнларда баҳслар асосан 28 нафар ўсмир спортчи ўртасида кечди. МҲСК мураббийларини янада қувонтирган жиҳати ушбу вазн тоифасида уларнинг шогирди Х. Раҳмонов икки рақибидан устун келиб, биринчиликнинг чорак финалигача етиб борди.

55 кг. вазн тоифасидаги курашчилар беллашувларида ҳам МҲСК аъзолари муваффақиятли қатнашишди. М. Умаров ва К. Тўраев уч нафардан рақибини енгиб, чемпионатда 5-ўринни ўзаро баҳам кўришган бўлса, уларнинг жамоадоши Абдурашид Бердалиев барча рақибларини мағлуб этиб, чемпионатнинг «олтин» медалини қўлга киритди. МҲСКнинг яна бир аъзоси Феруз Тўхтаев фақат финалда ҳамшаҳри, республика олимпия захиралари коллежи вакили Рустам Абдуллаевга ютқазиб қўйиб, чемпионатнинг «кумуш» медали билан тақдирланди.

Чемпионатнинг 74 кг. вазнлилар ўртасидаги баҳслари МҲСК мураббийлари ва мухлисларини қаттиқ ҳаяжонга солди. Чунки бу вазн тоифасида бир йўла икки нафар МҲСК аъзоси ярим финалга қадар етиб келиб, финал йўлланмаси учун кечган беллашувларда уларнинг иккиси ҳам имкониятни бой берди. Ёш армиячилар Серик Караев ва Муҳриддин Собиров пойтахтнинг «Динамо» клуби ва олимпия захиралари коллежи вакилларидан мағлуб бўлиб, чемпионатнинг «бронза» медали билан қаноатланишга мажбур бўлишди.

Якуний ҳисобда республика олимпия захиралари коллежи ёш спортчилари чемпионатнинг тўртта «олтин» медалини қўлга киритиб, пешқадамлик қилган бўлса, самарқандликлар МҲСК тарбияланувчилари каби иккита «олтин» ва учта «бронза» медалини ўз жамғармасига қўшиб қўйди. Хулоса қилиб айтганда, чемпионат мамлакатимизда юнон-рум кураши бўйича ёш истеъдодлар камол топаётганлигини кашф этиши билан спортимиз тарихидан ўрин оладиган бўлди.

Ж. РАСУЛОВ.

ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ НАВБАТДАГИ БОСҚИЧДА

Ўзбекистонлик ракетка усталари – Александра Колесниченко ва Алиса Огородова Туркия ҳамда Ҳиндистонда хотин-қизлар ўртасида ташкил этилган халқаро теннис турнирларида муваффақиятли иштирок этмоқда.

Анталияда (Туркия) ўтказилаётган мусобақада қатнашаётган Александра Колесниченко биринчи босқичда руминиялик Илинка Теа Ангел устидан 6:0, 6:1 ҳисобида ғалаба қозонди ва кейинги босқичда Аманда Каррерас (Буюк Британия) билан куч синашадиган бўлди.

Алиса Огородова эса Ҳиндистондаги турнирнинг якаликлар баҳсидаги биринчи учрашувда Ашвария Агравалга қарши кортга чиқиб, ўйинни 7:5, 6:1 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди.

ШОҲСУПАНИНГ УЧИНЧИ ПОҒОНАСИДА

Краснодарда (Россия) акробатика бўйича ташкил этилган халқаро турнирда ўзбекистонлик спортчилар иккита бронза медалга сазовор бўлди. Аралаш жуфтликлар ўртасидаги мусобақада Ҳаким Содиқов ва Майя Байгузина дуэти учинчи натижани қайд этди. Қизлар иштирокидаги гуруҳ беллашувларида Комила Аблаева, Альбина Ҳакимова ҳамда Олия Олимқуловадан иборат жамоамиз ҳам шоҳсупанинг учинчи поғонасига кўтарилди.

ЎзА ва матбуот хабарлари асосида тайёрланди.

СПОРТ

ЎЗ ЎРНИГА ЭГА

Чақириқ ёшигача бўлган йигитларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, уларни техник ва амалий спорт турларига жалб этиш, муайян касбларга йўналтириш ҳамда халқ хўжалигига малакали мутахассисларни етказиб беришда Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ўзига хос ўрин тутади.

Ташкилотнинг фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, истиқлол йилларида кўпгина муҳим ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўламиз. Қуролли Кучларимиз сафлари айнан "Ватанпарвар" мактабини ўтаган, ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол, спортнинг муайян турлари бўйича қатор муваффақиятларга эришган, техника сирларини пухта ўзлаштирган ёш мутахассис ва спортчилар билан бутланиб келади. Таъкидлаш жоизки, бунда ташкилотнинг жойлардаги вилоят ва туман кенгашлари, ўқув-спорт техника клубларининг ҳиссаси катта. Биргина Ғузор туман кенгаши ҳузуридаги ўқув-спорт техника ва "Ёш посбон" ватанпарварлик клублари фаолияти мисолида ёшларнинг халқ хўжалиги учун керакли касбларни эгаллашларига қай даражада эътибор қаратилаётгани, туманда спортнинг техник ва амалий турлари ривожланаётганини кўриш мумкин.

Ўқув-спорт техника клубларида таҳсил олиб, муддатли ҳарбий хизматга йўл олиш истагидаги йигитлар сонининг ортаётгани ҳам диққатга сазовор. Муайян ҳунарга эга бундай ўғлонлар армиядан қайтганларидан сўнг ҳам ишга жойлашишда қийинчиликка дуч келмайдилар.

Бундан ташқари, бу ерда мотокартинг, дуатлон, пневматик милтиқдан отиш, ракета ва кема модели секциялари ҳам фаолият кўрсатиб келаяпти. Бошланғич ташкилотларда ҳам спорт тўгараклари ташкил этилган. 165 нафар ўқувчи тўгараклардаги машғулотларда мунтазам иштирок этиб келишади.

Ўқув-спорт техника клуби, спорт тўгаракларида ёшларнинг мукаммал билим олишлари учун барча шароитлар яратилган. Кенг ва ёруғ, замон талаблари даражасида жиҳозланган машғулот хоналари улар ихтиёрида.

2008 йилда Ғузор ўқув спорт техника клуби барча кўрсаткичлар бўйича етакчиликни қўлга киритиб, «Энг яхши ўқув-спорт техника клуби» танловининг вилоят босқичида ғолиб чиқди.

– Ўқув-спорт техника клубимизда К. Ҳайдаров, Э. Чоршанбиев каби тажрибали, фидойи ўқитувчилар А. Ҳакимов, Б. Примов, Н. Тўлабоев сингари ўз соҳасининг билимдонлари бўлажак ҳайдовчиларга касб сирларини қунт билан ўргатиб келадилар, – дейди С. Хуррамов. – Ёшларнинг техника сирларини мукаммал эгаллашлари, маҳоратли ва малакали ҳайдовчилар, автомобиль усталари бўлиб шаклланишлари учун бизда барча шароитлар мавжуд. Ёш авлодни ватанпарварлик, фидойилик, миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш, уларда ҳарбийликка қизиқишни янада ошириш мақсадида туман ҳокимлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари билан ҳамкорликда иш юритиб келамиз. Бугунги кунда биз сабоқ берган кўплаб йигитлар Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиб, устозлар ишончини оқлаб келишмоқда.

Олимжон ҒАФФОРОВ,
МК "Ватанпарвар" ташкилотининг
Ғузор туман кенгаши раиси.

Футбол

УЧ ЖАМОАМИЗ ҲАМ НАВБАТДАГИ БОСҚИЧДА

Ўтаётган ҳафтанинг сешанба ва чоршанба кунлари қитъамиз футбол ишқибозларининг диққат-эътибори Осиё чемпионлар лигаси ва ОФК кубоги учун гуруҳ босқич баҳсларининг сўнгги тур учрашувларига қаратилди.

Мамлакатимиз чемпиони – Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси БААнинг «Ал-Шабаб» футболчиларини қабул қилди. Ушбу учрашув икки жамоадан биринг навбатдаги босқичга чиқиш масаласини ҳал қилиш аҳамиятига эга эди. Ўйин икки томоннинг бироз эҳтиёткорлиги билан бошланди. Ҳамюртларимизни ўйиндаги дуранг натижа ҳам қаноатлантирарди. Шу боисдан ҳам жамоамиз учрашув тақдирини узил-кесил ҳал қилувчи тезкор гол киритиш пайида бўлиб, тезда ҳужумга киришиб кетишди. Айнан шуни кутиб турган рақибларнинг қарши ҳужумлари анча хавфли бўлди. Иккинчи бўлимда ўйин сценарийси тамоман ўзгарди, айниқса сўнгги дақиқалар меҳмонлар уступлигида ўтди, лекин ўйинда ҳисоб очилмади – 0:0. Гуруҳда иккинчи ўринни эгаллаган «Бунёдкор» Осиё чемпионлар лигаси плей-офф босқичи 1/8 финалида «В» гуруҳ ғолиби – Эроннинг «Персеполис» жамоасига қарши сафарда ўйнайди.

Сўнгги тур учрашувларигача «А» гуруҳида пешқадамлик қилиб турган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси чоршанба куни Саудия Арабистонининг «Ал-Ҳилол» футболчилари меҳмони бўлди. Икки жамоа ҳам плей-оффга чиқиш масаласини муддатидан олдин ҳал қилиб қўйган бўлса-да, уларнинг ўзаро баҳси биринчи ўрин соҳибини аниқлаши билан аҳамиятли эди. Учрашувда майдон эгалари 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди ва гуруҳда биринчи поғонага кўтарилди. Плей-оффга иккинчи ўрин билан йўл олган «Пахтакор» 1/8 финалда «Д» гуруҳи ғолиби, яъни «Бунёдкор»ни ортда қолдирган Саудия Арабистонининг «Ал-Иттифоқ» жамоасига қарши сафарда тўп суради. Эслатиб ўтамиз бу босқичда жавоб учрашувлари ўтказилмайди, чорак финалга йўлланма олувчи жамоа номи битта ўйинда аниқланади. Нимчорак финал учрашувлари 27 май куни ўтказилади.

ОФК кубоги учун баҳс олиб бораётган Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси сўнгги турда Яманнинг «Ал-Тилол» жамоасини сафарда йирик – 0:5 (Ал. Холиқов 13, 35, 67, У. Боқиев 74, 79) ҳисобида мағлубиятга учратди ва навбатдаги босқичга йўлланмани қўлга киритди. 1/8 финалда «Нефтчи» «Е» гуруҳи ғолиби – Сурияниг «Ал-Мажд» жамоасига қарши ўйнайди. Учрашув 26 май куни Сурияда ўтказилади.

Р. ЖУМАЕВ.

БИРИНЧИ ВАЗИФА УДДАЛАНДИ

Футбол бўйича аёллар ўртасидаги Осиё чемпионати баҳсларига илк марта киришган Ўзбекистон аёллар терма жамоаси дастлабки вазифани муваффақиятли уддалади.

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида ўтказилган саралаш босқич гуруҳ ўйинларида терма жамоамиз дастлаб Мальдив ороллари ва Фаластин аёллар терма жамоаларини бир хил – 5:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Учинчи турда улар қирғизистонликларнинг жиддий қаршилигига дуч келди – ўйин тугашига 15 дақиқа қолгандагина ярим ҳимоячимиз Камола Усмонова рақиб дарвозасига тўп киритишга муваффақ бўлди. Сўнгги дақиқада ҳужумчимиз Наргиза Абдурасулова томонидан киритилган иккинчи гол терма жамоамиз ғалабасини мустаҳкамлади ва муддатидан олдин қитъа чемпионатининг навбатдаги саралаш босқичига йўлланма олишишини таъминлади.

Биринчи ўрин масаласини ҳал қилувчи иорданияликлар билан ўтказилган сўнгги учрашувда дуранг (2:2) ўйнаган терма жамоамиз тўплар нисбатига кўра гуруҳда иккинчи бўлишди. Навбатдаги босқичга бериладиган учинчи йўлланмани Қирғизистон терма жамоаси қўлга киритди.

Кумушбиби ЭРМАМАТОВА.

ҚАЙДНОМА

БОКС. Ўзбекистон терма жамоаси боксчилари июнь ойининг биринчи ўн кунлигида Хитойда ўтказиладиган Осиё чемпионатида иштирок этади. Терма жамоа таркиби ўзагини ташкил этувчи МҲСК боксчилари кеча Тошкентда тайёргарликнинг иккинчи босқич машғулотларига киришди. У терма жамоамиз мураббийларига қитъа чемпионатига борувчи боксчиларни аниқлаб олиш имконини беради. Боксчиларимиз май ойининг сўнгги кунлари Хитойга жўнаб кетади.

ЭШКАК ЭШИШ. Чехияда ўтказилган байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича жаҳон кубоги мусобақаларида қатнашган вакилларимиз битта «олтин» ва иккита «кумуш» медални қўлга киритишди. Вадим Меньков, Серик Мирбеков, Герасим Контев ва Мерей Меретовдан иборат тўртлигимиз маррани иккинчи бўлиб кесиб ўтган бўлса, каноэ бўйича яккалик баҳсларида Осиё чемпионати ва Осиё ўйинлари ғолиби В. Меньков терма жамоамиз ҳисобига яна иккита медаль олиб келди. У 500 метрлик масофада барча рақибларини ортда қолдирди, 1000 метрлик масофада эса иккинчи бўлди.

ТРАМПОЛИН. Болгария пойтахти Софияда батутда сакраш бўйича ўсмирлар ўртасида халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Унда ҳамюртимиз Амиран Бабаян энг юқори натижа кўрсатиб, халқаро мусобақанинг «олтин» медалини қўлга киритди. Болгариялик Г. Гиоргиев иккинчи, испаниялик А. Бернардус учинчи ўринни эгаллади.

ШАХМАТ. ФИДЕ шахматчиларнинг рейтингини эълон қилди. Ўзбекистонлик шахматчилар ўртасида 2004 йилги жаҳон чемпиони, гроссмейстер Рустам Қосимжонов 2695 очко билан етакчилик қилаяпти. Антон Филипов пешқадамдан 111 очкога ортда қолаётган бўлса, учинчи ўриндаги Марат Жумаев ҳисобида 2552 рейтинг очкоси бор.

ФУТБОЛ. ФИФА ҳам терма жамоаларнинг май ойи учун рейтингини эълон қилди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси 455 очко билан 76 поғонани эгаллаб турибди. Бу Осиё терма жамоалари орасида 7-кўрсаткичдир. Рейтингни ҳамон Европа чемпиони Испания терма жамоаси 1729 очко билан бошқариб турибди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақадан икки нафар спортчимиз совриндор бўлиб қайтди. 10 километр масофага югуриш бўйича аёллар ўртасидаги баҳсларда ҳамюртимиз Ситора Ҳамидова халқаро мусобақанинг кумуш медалига сазовор бўлди. Эркаклар ўртасидаги баҳсларда эса Андрей Петров бронза медални қўлга киритди.

ДЗЮДО. Тунисда ўтказилган халқаро мусобақада истеъдодли ёш полвонимиз Габит Есимбетов муваффақиятли иштирок этди. 60 кг. вазн тоифасида кураш тушган вакилимизга ярим финалда бироз омад етишмади ва у австриялик Людвиг Пайшер каби мусобақанинг бронза медали билан тақдирланди. Мазкур вазн тоифасида финалда бельгиялик Д. Бомбирни мағлуб этган голландиялик Ж. Мурен ғолиб бўлди.

Атлетический клуб будущего воина

ГИМНАСТИКА – ЭТО ЗДОРОВЬЕ

Упражнение с палкой

Исходное положение: основная стойка, отягощение за спиной в опущенных руках. Наклонить туловище вперед с одновременным сгибанием рук – выдох, в исходное положение – вдох (1).

Исходное положение: основная стойка, отягощение за головой (2). Наклонить туловище вперед – выдох, в исходное положение – вдох (3).

Исходное положение: основная стойка, отягощение в опущенных руках. Поднять прямые руки до уровня груди – вдох, в исходное положение – выдох (4).

Исходное положение: основная стойка, отягощение на груди в согнутых руках. Выпрямить руки вперед – выдох, в исходное положение – вдох (5).

Исходное положение: основная стойка, отягощение в вытянутых вперед руках. Повороты туловища в стороны (6). Дыхание произвольное.



МАДАНИЯТ

«МУЗЕЙЛАР – ХАЛҚ ТАРИХИ КЎЗГУСИ»

Ўзбекистон тарихи давлат музейида Халқаро музейлар куни муносабати билан «Музейлар – халқ тарихи кўзгуси» деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Қуролли Кучлар Марказий музейи билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда уруш ва меҳнат фахрийлари, курсантлар, лицей ва коллеж ўқувчилари иштирок этдилар.

Музейлар ҳақида сўз кетганда, бежизга уларга тарихни келажакка элтувчи энг ишончли восита, дея таъриф берилмайди. Зеро, музейлар кўҳна тарихимизнинг ёрқин саҳифаларини авлодларга етказиб берувчи кўприкдир. Гарчи турли ном ва йўналишларда бўлса-да, ўз вазифасига кўра уларнинг барчаси эзгу мақсад йўлида хизмат қилади. Яъни, тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни сақлаш ва тарғиб қилиш орқали ёшларни она заминга садоқат, аждодлар қолдирган маънавий меросга ҳурмат ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ўзининг ҳиссасини қўшади. Тадбир давомида сўзга чиққан меҳмонлар ҳам мана шулар ҳақида сўз юритиб, ёш авлодни тарихий меросимизни асрашга, уларни келажак авлодларга қандай бўлса шундайлигича етказишга ўз ҳиссаларини қўшишга чорладилар.

Шундан сўнг, Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари томонидан тайёрланган мусиқий дастур йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди. Бетакрор куй-қўшиқлар ва рақслар, сўз устаси, ансамбль сухандони сержант Баҳром Маҳмудовнинг қизиқарли чиқишлари барчанинг кўнглига хушнудлик олиб кирди.

Тадбир музейнинг экспозиция заллари бўйлаб саёҳатга уланди. Курсантлар ва ўқувчилар кўргазмага қўйилган ҳар бир экспонатни қизиқиш билан томоша қилдилар. Музей илмий ходимларининг экскурсия давомида берган маълумотлари эса томошабинларнинг экспонатлар тўғрисида чуқурроқ билимга эга бўлишларига ҳисса қўшди.

– Ўзбекистон тарихи давлат музейи билан доимий равишда ҳамкорлик қилиб келаяпмиз, – дейди биз билан суҳбатда Қуролли Кучлар Марказий музейи илмий ходими Дилором Раҳимова. – Шу боисдан ҳам ушбу зиё масканига аскар ва курсантларни тез-тез экскурсияга олиб келиш биз учун анъанага айланган. Эътибор бераётган бўлсангиз, бугун келажагимиз эгалари бўлган ёшларга таълим-тарбия бериш жараёнида турли усуллардан кенг фойдаланилмоқда. Айниқса, ёшларда юртимиз тарихи, маданияти ва бойликлари ҳақида кенгроқ тушунча ҳосил қилиш ва улар қалбида ватанпарварлик, юртга муҳаббат ҳамда фахр-ифтихор туйғуларини шакллантириш йўлида музейларга саёҳатлар уюштирилишининг аҳамияти каттадир. Чунки ёш авлод бундай масканлар билан танишиш орқали тарихимиз, тараққиётимизнинг турли даврлари, санъатимиз, адабиётимиз ва маданий меросимизнинг ўзига хос томонлари ҳақида тасаввурларини кенгайтиради. Қолаверса, ана шу бойликларни асраб-авайлаб, келажак авлодларга ҳам бус-бутун етказиш масъулиятини чуқур ҳис қилади, дилларида эгалик ҳисси пайдо бўлади. Бўлажак ҳарбийларимиз учун бу жуда муҳим, деб ўйлайман.

– Музейни айланиб чиқиб, катта таассуротга эга бўлдим, – дейди Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти Шавкат Қодиров. – Ҳар қайси бўлимда кўплаб экспонатлар бор экан. Қадимий сопол ва ёғоч буюмлар, идишлар, турли-туман кийим-кечаклар қадимда яшаб ўтган ота-боболаримизнинг турмуш тарзидан ҳикоя қилса, Туркистон халқларининг босқинчиларга қарши курашда қўллаган қуроллари намойиш қилинган экспозициялардаги қурол-аслаҳалар эса ўша давр муҳитини ўзида акс эттира олганлиги билан томошабинни ўзига жалб этади. Бу кўргазмаларнинг барчаси менга манзур бўлди.

– Музейни томоша қилиб, шонли, қадим тарихга эга миллат эканимиздан жуда фахрландим, – дейди курсант Фирдавс Пардаев. – Ушбу музейда аждодлар ҳаёти, уларнинг маънавияти, маданиятини акс эттирувчи экспонатлар ўрин олгани учун ҳам экспозиция заллари бўйлаб қилган саёҳатимиз барчага бирдек ёқди. Мен бу ердаги кўргазмали қуролларни томоша қила туриб, худди сирли бир оламга кириб қолгандек бўлдим. Бунинг устига қалбимда тарих фанига янада меҳр уйғонди.

– Тарихий буюмлар ва ёдгорликларни томоша қилиш давомида, – дейди курсант Дилшод Жумаев. – Аждодларимиз турмуш тарзига яқинлашгандай, ўша давр билан ёнма-ён тургандай бўлдим. Бундан кейин ҳам бундай маданият масканларига тез-тез келиб туришни дилимга тугдим.

Гулнора МУРОДОВА.
Баҳром Абдураҳимов суратга олган.



ВАТАНПАРВАР

Муассис – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги

Учредитель – Министерство обороны Республики Узбекистан

МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ – кенгаш раиси, **Рустам НОДИРОВ, Раҳимжон НУРНАЗАРОВ, Олим ҚЎЧҚОРОВ, Алишер МУИНОВ, Нурмуҳаммад МУЛЛАБОЕВ, Шуҳрат ТЎХТАЕВ, Абдусаттор ЭРГАШЕВ, Қурбон АМИНЖОНОВ, Олимжон ЗАНЖИРОВ.**

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи майор А. САФАРОВ.
Шу сонга масъуллар: майор А. КАМОЛОВ, катта лейтенант Т. ЖУМАНАЗАРОВ.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.

Телефонлар: навбатчи – 256 09 81; обуна бўлими – 256 03 46. Факс: 256 17 98.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Р. Исламбаев** ва **З. Хошимов** томонидан саҳифаланди.

Газета жума куни чиқади. **Адади** 26000.

Нашр кўрсаткичи 114. **Буюртма** № J-74-39.